



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 18-dekabr №51 (4346)

2016 йил — соғлом она ва бола йили яшнаётган воҳа

Хоразм буюк алломалари, тарихий-меъморий обидалари, ўзига хос табиати, аини чоғда, санъатсевар халқининг бетакрор ижоди, хунармандчилик анъаналари билан ҳам ўзига хос сеҳру жозибага эга. Бу жозиба воҳага келган ҳар қандай кишининг қалбини тўлқинлантириб, унутилмас лаҳзалар бахш этади.

“Хива – гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий анъаналаримизнинг абадийлигини ўзида мужассам этган бир мўъжизадир”, — деган эди Юртбошимиз Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида. Мутахассисларнинг ўрганиш натижаларига кўра, вилоятда 255 та маданий ме-
рос бинолари рўй-хатга олинган. Улардан 18 таси археологик, 133 таси меъморий, 66 таси ҳайкалтарошлик ёдгорликлари, 38 таси зиёратгоҳ ва диққатга сазовор жойлардир. Мазкур иморатларнинг ҳар бири ўз тарихи – халқнинг ўтмиши билан чамбарчас боғланган унутилмас воқеаларга бой.

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

Бу кўҳна заминда эрамиздан аввалги даврларга оид Хива қудуғи (э.а. III-I асрлар), Ҳазорасп шаҳри (э.а. IV-II а.дан тўғиб кейинги асрларда барпо этилган Ичанқалъа (XIII-XIV а.), Улли ҳовли мажмуаси (XVIII-XIX а.) сингари қадимий ёдгорликлар, Пахлавон Махмуд мақбараси (XIV а.) каби меъморий ёдгорликлар, Оғажий, Аваз Ўтар каби улуғ шоирларнинг уй-музейлари, мустақиллик йилларида бунёд этилган бебаҳо мажмуалар қалбларда ҳайрат уйғотади. Маъмур академияси ва бу қутлуг илм даргоҳидан етишиб чиққан буюк алломалар ҳам ўз она тупроқларини улуғлаб турадилар.

Қадимда Буюк Ипак йўлидаги марказий шаҳарлардан бири бўлган Хива мустақиллик шарофати билан бугун ҳам барчанинг диққат марказида.


Санъат кошонаси

Хивага бориш йўлидаги Шовот канали бўйида дам олиш масканлари, чўмилиш ҳавзалари, болалар майдончаси, замонавий боғлар, кўнгилочар гушалар барпо этилди. Бу ерда нафақат автомашинада, балки машҳур туркман отларини миниб ёки каналдаги қайиқда сузиб сайр қилишингиз, дунёда ўзингиз истаган таомни — Андижоннинг девзира ошидан токи шу каналдан тутилган балиқларгача тановул қилишингиз мумкин.

Чўл бағрида товланиб турган Эшон Рават кўли бўйидаги сайёҳлик мажмуасида эртақлардаги сингари ўтовлар тикилган. Бу ерда чўмилиш, балиқ тутиш, турли сузиш воситаларидан фойдаланишингиз, баландлиги 45 метрдан зиёд минорага чиқиб, олисларни томоша қилишингиз ҳам мумкин.

Канал бўйида сайёҳлар маънавий баҳра оладиган маданият масканлари ҳам яратилмоқда. Жумладан, ўтган ҳафтадан бошлаб Шовот канали соҳилида мухташам Тасвирий санъат галереяси фаолиятини бошлади. Ўзбекистон Бадий академияси академиги, санъат арбоби Отахон Оллоберганов томонидан ўз она юртига тортиқ этилган бу кошонанинг иккинчи қаватидаги кўрғазмалар залида 500 га яқин тасвирий санъат намуналари намойишга қўйилган. Бинонинг биринчи қаватида эса устахона бўлиб, ёш ижодкорлар учун сабоқ ўтказиш, маҳорат дарслари учун шарт-шароит мавжуд. Албатта, бу кошона канал бўйлаб жойлашган турли-туман иншоотлар орасида ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Галереяга кирган юртдошларимиз ва хорижий сайёҳлар ватанимизнинг бетакрор табиати, Амударё бўйларида яшаган ва яшаётган одамлар ҳақида мўйқалам тилида, ёрқин ранглар жилосида таассурот оладилар.

Давоми иккинчи саҳифада.



Бахтиёрлик

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Алишер НАВОЙЙ

Навоийнинг сўз гавҳари

ДАВРОН ЭЛИНИНГ ЖИСМИДА ҲАМ ЖОН БЎЛГИЛ

То даҳрдур, даҳр уза султон бўлгил,
То олам эрур, олам уза хон бўлгил,
Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил,
Ҳам жонларига мояи дармон бўлгил.

Дедим зақанинг тутуб, сақоғингни ўпай,
Кўз қошинга суртубон қабоғингни ўпай,
Гулдек юзунг ислабон дудоғингни ўпай,
Йўқ, йўқ-йўқ, агар десанг, аёғингни ўпай.

Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши,
Энг бирла менгнинг яхши, сақоғинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошинг аёғинг яхши.

Ҳар лаҳза қил анга юз иноят, ё Раб,
Оллига ёрут шамъи ҳидоят, ё Раб,
Ҳам умрини айла бениҳоят, ё Раб,
Ҳам давлатига етурма гоят, ё Раб.

Халқимизда “Қиз бола палахмон тош”, деган ибора бор. Балки бу ибора қизларнинг борган жойида тошдек қотиши, яъни бахтидан тиниб-тинчиб кетиши учун айтилгандир. Палахмон тошдек оғир бўлиш учун эса қиз бола ҳаёт синовларига ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр бўлиши лозим. Қизларни оилавий ҳаётга ёшлаганидан ўргатиб бориш, унга касб-хунар ўргатиш, тиббий маданиятини ошириш, рўзгор юмушларига ўқувли қилиш азал-азалдан она ва бувиларимиз зиммасида бўлган. “Қобуснома”да ҳам қизлар тарбияси ҳақида шундай дейилган: “Ҳар бир ота-она қизларининг бахтли бўлишини истасалар, уларни ёшларидан тарбия қилишлари, қиз қалбини илму маърифат нури билан ёритишлари зарур”.

Кўпчилигимизда қиз бола фақат уй ишларини эпласа бўлди, деган тушунча бор. Ота-она эл олдида қизини эртароқ эгасига топшириб қарзини узади, шунинг ўзи кифоя. Ҳўш, эрта турмушга узатилган қиз ўз-ўзидан тиниб-тинчиб кетадими? Унинг кейинги ҳаёти, соғлиги билан боғлиқ муаммолар иккинчи даражага тушиб қолмасмикин? Ахир, жамиятда ҳам унинг ўз ўрни, нуфузи бўлиши керак эмасми? Айнан шу масалалар бугун барчамизни ўйлантириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги Юртбошимиз маърузаси барчамизни яна бир бор огоҳликка қорлади.

Маърузада таъкидланганидек: “Қиз болани коллежи битирмасидан, хунар эгалламасидан туриб, кимки турмушга бермоқчи бўлса, билиб қўйинлар, бунини мен узокни кўраолмаслик, калтабинлик, деб ҳисоблайман. Қиз бола, аввало, касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни анласин. Шундан кейин у ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади, эртага у қурайдиган оила ҳам мустаҳкам бўлади”. Демак, қиз боланинг бирор хунар ўрганиши, касбга эга бўлиши таъғамирида оила мус-

таҳкамлиги ва фарзандлар тарбияси туради. Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор берарайлик-а: франциялик аёллар ўз олдига даставвал олий маълумот олишни мақсад қилиб қўяр экан. Улар олий маълумотли бўлишни лавозим ёки яхшигина даромад манбаи деб эмас, балки фарзандлар тарбияси учун муҳим деб ҳисоблар экан. Тўғри-да, бирор касб эгаллаган қиз, нафақат моддий томондан таъминланади, балки кўп ўқиб-излангани, одамлар билан мулоқотда бўлгани, касб ёки хунар эгаллаш жараёнида турли вазиятларни бошидан ўтказгани учун ҳам фарзанд тарбиясида, уй-рўзгор тутумида қийналмайди. Донишмандлардан бири: “Менга яхши оналарни беринг, мен дунёни яхшилайман”, деганида, авваламбор, аёлларнинг маънавиятли, дунёқараши кенг бўлишини назарда тутган. Ҳали оқ-қорани танимаган, дунёни англамаган ёш қизалоқ фарзандини жисмонан ва руҳан соғлом воёга ет-



казишга ўқуви етармикан? Таассуфки, баъзида ота-оналар совчиларнинг “Қизингизнинг тенги чикди”, деган ваъдаларига ишониб, уни вақтли турмушга узатаётгани сир эмас. — Қизим эндигина коллежни битирди. Яхшигина жойдан иш ҳам чи-

қиб турибди. Қолаверса, унинг институтда ўқийман, деган нияти бор, аммо совчилар ҳоли-жонимга қўймапти...

— Қиз бола ўқиб, шаҳар олиб берадими? Йигит топармон-тутармон, қизингизни ҳеч нарсадан кам қилиб қўймас, сизга тагин яна нима керак? Ахир, тенги чикса текин бер, деб бежиз айтишмаган, беравермайсизми.

Барчамиз бундай суҳбатларнинг гувоҳи бўлганмиз. Айнан шундай

наларкан, энди уйдан бошқа муҳитни кўрмаган ёш қизалоқнинг ўзга бир оилага кўчиши нечоғлиқ оғир бўлишини тасаввур қилиб кўрингчи. Қолаверса, у ўз оиласида бир пайтлар фақат эрка қиз ролини ўйнаган бўлса, энди бошқа хонадонда бир неча — рафиқалик, келинлик, келиноилик ролини ҳеч қандай тайёргарликсиз ихро этиши керак. Демак, у ҳаёт саҳнасида ўз ролини тажрибасизларча, сценарийсиз, паллапартиш ўйнашга мажбур.

Бир ҳаётини мисол: 17 ёшида турмушга узатилган Насибанинг икки нафар фарзанди бор. Уч овсин бир ҳовлида яшайди. Ҳамма-си рисоладагидек, фақат 25 ёшли жувоннинг қон босими тез-тез оғир туришини ҳисобга олмаганди...

Энди таҳлил қилиб кўрайлик: икки овсин, икки қайнога, икки қайинсингил, қайнота, қайнона ва эр... Турмушга чиққунча шунча одамнинг қўнглини олиш ҳақида Насиба бир марта бўлса ҳам ўйлаб кўрмаганди. Дастлаб шарт-шароитни унчалик тушулмаган Насиба ўзини бегона ҳис қилди. Ахир, эпини қилиб вазиятдан аччиқ гап ёки таъна эшитса ҳам бирова гап қайтармас, ота-онасига дийди ё қилишга ҳаё-ибоси йўл қўймас эди. Бориб-бориб унинг қон босими ошадиган, боши оғрийдиган, сал гапга юраги тез уриб, оёқ-қўли ҳўлсизланадиган бўлиб қолди. Боз устига, яқинда онаси Насибани шифокорга олиб чиққанда унга камқон деб таш-ҳис қўйишди. Иккала фарзандининг ораси яқин бўлгани учун соғлиги заифлашиб қолган Насибанинг учинчи

болага ҳомиладорлиги ҳақидаги хабарни шифокор, ҳатто эшитишни ҳам истамди. Энди Насибага бундан буёғига асабийлашиш, сиқилиш мумкин эмас. Соғлигини тиклаш учун кўпроқ дам олиши, яхши еб-

Муносабат

ичиши лозим. Ахир, тиббиётда онадаги ҳолат ва кечинмалар мурғак вужуд табиғатига ҳам таъсир кўрсатиши исботланган. Аммо бунинг иложи бормикан? Турмуш ўртоғи билан алоҳида уй-жой қилгунча шу хонадонда яшаш, “катта қозонда қайнаш” лозим. Қолаверса, болалар тарбияси билан шуғулланиши, уларни оёққа турғазлиши, ўқитиши, уйли-жойли қилиши керак. Хоҳлайсизми, йўқми, бунинг учун мустаҳкам соғлиқ зарур. Ахир, онанинг қайфияти яхши, соғлиги жойида бўлсагина болаларга етарли тарбия бера олади.

Юртбошимиз Бош Қомусимиз қабул қилинган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек: “Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади”. Айнан шу мақсадлар йўлида тиббиёт муассасалари, жумладан, перинатал марказларининг моддий-техник базасини янада қучайтириш, кадрлар салоҳиятини, болалар шифокорлари малакасини, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарасини ошириш каби хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Соғлом онадан соғлом бола дунёга келиши ва баркамол авлод воёга етиши учун барча бирдай ҳаракат қилаётган бир пайтда айрим ота-оналарнинг фарзанд соғлиги ва ҳаётига юзакни ёндашаётгани таассуфланарли...

Давоми иккинчи саҳифада.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Болалар шаҳарчаси

Урганч – Хива йўлидан қадимий ва на-
вирон Хива шаҳрига яқинлашар экансиз,
йўл бўйида икки қаватли шинам иморат-
лардан иборат мўъжазгина шаҳарчага
қўзғингиз тушади. Янги қурилгани яққол
сезилиб турган бу ғўша – Болалар шаҳар-
часи. Қутлуғ байрамимиз Конституция
куни арафасида очилиш маросими ўтқа-
зилган шаҳарчага

Хивадаги "Меҳри-
бонлик уйи" бола-
ларининг кўчи-
чқанларига хали
бир ҳафта ҳам бўлмабди. Замонавий лой-
иҳада қурилган турар-жой биноларининг
сони ўн саккизта, уларнинг ҳар бири
юмшоқ мебел, охсона жихозлари, теле-
визор, совутич, асосийси, болалар учун
дарсхона, кутубхона ва тўрттадан компь-
ютер жамланмаса билан таъминланган.
Ўн саккиз оилага берилган бу биноларда
жами, 110 нафар бола 6-8 нафардан бўли-
ниб, ўзларига бириктирилган оналари билан
ахил яшайдилар. Шаҳарча ҳар бир бола
қалбига оила муҳитини, она меҳрини бахш
этади. Аслида ҳам бизнинг тарихимизда
"болалар уйи" деб аталган тушунча бўлмаган.
Ҳаёт тақозоси билан бирор бола ота-она-
сиз ёки уларнинг қаровисиз қолган-
да, аввало, қариндош-уруғлар, қола-
верса, маҳалла-қўй ўз қарамлигига
олган. Ўз фарзандидай тарбиялаб,
одамлар қаторига қўшган, ғамхўрлик
қилган. Шаҳарчада таълим-тарбия-
нинг оилаларга бўлиниши ҳолда таш-
кил этилиши, бир сўз билан айтган-
да, миллий қадриятларга асосланган.

Болалар шаҳарчасини бизга таништир-
ган масъул ходимлардан бири Л.Олло-
берганова қувонч билан шундай дейди:

– Шаҳарчамизнинг ҳар бир боласи, ал-
батта, бирор тўғаракага қатнашади. "Шод-
лик" ашула ва рақс ансамбли, болалар
хор гуруҳи, "Моҳир қўллар" тикиш-бичиш,
тасвирий санъат, спорт тўғарақлари гав-
жум, улар учун хореография зали, ёпиқ
саҳна, сузиш ҳавзаси, машғулот хонала-
ри ва бошқа қулайликлар алоҳида бино-
ларда жойлашган. Буларнинг барчаси
уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтқа-
зиши, ўзлари қизиққан машғулот билан
шуғулланиши учун яратилган. Болалари-
мизнинг 80 нафари 5-умумтаълим мак-
табига, 16 нафари 3-умумтаълим макта-
бига таълим олади. Мактабга бориб ке-
лиш учун махсус автобусимиз бор. Мак-
таб ёшига етмаган кичкинтойлар шаҳар-
чада, ўз хонадонидида оналари билан бир-
га қоладилар.

Биз Болалар шаҳарчаси аҳлини чин
қалбдан муҳаббат билан қўришимиз кела-
жаги — болаларга қўрсатилаётган ғамхў-
рликдан гурурланамиз.

Худди шу кун Хонка туманида бола-
лар шоири Оллоберган Пўлатнинг 80 йил-
лигига бағишланган тантанада ҳам ишти-
рок этиб, болаларнинг ёши улуг қатта шо-
ирини табриқлашга ҳам улгурдик. Вило-
ят марказидан устоз Ошиқ Эркин бошичи-

лигида бир гуруҳ ёзувчи, шоир ва адаби-
ётшунослар биргалишиб, Хонкадаги бо-
лалар мусика ва санъат мактабига ўтқа-
зилган тадбирда ёшларнинг ўз шоирла-
рини қанчалар ҳурмат қилишларининг,
шоир асарларини ёд айтганларининг,
саҳналаштирилганининг гувоҳи бўлдик. Ал-
батта, тенгдошлари ва шоғирдлари эъти-
роф этган Оллоберган Пўлат қувончларига
шерик бўлиб, тахририятимизнинг табри-
гини етказдик. Айнан шу тадбирда шоир
иходи ҳақида Янгибой Қўчқоров қалами-

ларга етказилган. Бу ҳақда қўхна манба-
ларда ёзилган. Хоразмда қовуннинг 56
нави бор. Ширинлиги билан машҳур
бўлишига сабаб эса, аввало, юртинг се-
руқўшлиги, шамол эсиб туриши, минерал-
ларга бой тулроғи ва ниҳоят, асосийси,
заҳматқаш деҳқоннинг пешона теридир.

Қовун навларини сақлаш ва келгуси
авлодларга етказиш ҳам долзарб маса-
ла. Бир вақтлар Хоразмда қовун қамайиб
кетди. Сабаби, ўн-ўн беш йиллар олдин
қовун пашшаси пайдо бўлиб, ҳосилдор-
лик пасай-
ган. Кейин-
чалик илмий
изланишлар
натijasида
бу офат По-
кистон, Кавказорти худудлари орқали
ўтиб келгани маълум бўлди. Қовун паш-
шаси экин энди гуллаган пайтда гул не-
гизига жойлашиб олиб, шу йўл орқали
ҳамак ичига ўтиб, қовун уруғини зарар-
лаб, пишар вақтида пўстини ёриб чиқа-
ди. Қўриб турибсизки, қовун еб бўлмас
даражага келади. Вилоятда бунга қарши
жиддий кураш олиб борилди. Чунки бу
ерга келган меҳмонлар машҳур Хо-
разм қовунини сўраганида битта
ҳам топиб беролмаган кунлар
бўлган.

Вилоят ҳокимлигининг қўрсатма-
си билан илмий марказга полиз
маҳсулотлари етиштириш учун Ян-
гибозор, Беруний, Шаббоз ва бо-
шқа худудлардан ер майдони аж-
ратиб берилди. Қовуннинг турли

га мансуб "Дониш шоир дунёси" номли
китобнинг тақдими ўтказилди.

Хоразм қовунлари

Йўл-йўлакай борар эканмиз, мослама-
ларга осиб қўйилган қовунлар қўзга таш-
ланади. Хоразм қовунлари тарихи ҳақида
озроқ хабарим борлиги учун йўлдошлар-
римга қадимги араб сайёҳи Ибн Батту-



Болалар шаҳарчасини бизга таништир-
ган масъул ходимлардан бири Л.Олло-
берганова қувонч билан шундай дейди:

– Шаҳарчамизнинг ҳар бир боласи, ал-
батта, бирор тўғаракага қатнашади. "Шод-
лик" ашула ва рақс ансамбли, болалар
хор гуруҳи, "Моҳир қўллар" тикиш-бичиш,
тасвирий санъат, спорт тўғарақлари гав-
жум, улар учун хореография зали, ёпиқ
саҳна, сузиш ҳавзаси, машғулот хонала-
ри ва бошқа қулайликлар алоҳида бино-
ларда жойлашган. Буларнинг барчаси
уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтқа-
зиши, ўзлари қизиққан машғулот билан
шуғулланиши учун яратилган. Болалари-
мизнинг 80 нафари 5-умумтаълим мак-
табига, 16 нафари 3-умумтаълим макта-
бига таълим олади. Мактабга бориб ке-
лиш учун махсус автобусимиз бор. Мак-
таб ёшига етмаган кичкинтойлар шаҳар-
чада, ўз хонадонидида оналари билан бир-
га қоладилар.

Биз Болалар шаҳарчаси аҳлини чин
қалбдан муҳаббат билан қўришимиз кела-
жаги — болаларга қўрсатилаётган ғамхў-
рликдан гурурланамиз.

Худди шу кун Хонка туманида бола-
лар шоири Оллоберган Пўлатнинг 80 йил-
лигига бағишланган тантанада ҳам ишти-
рок этиб, болаларнинг ёши улуг қатта шо-
ирини табриқлашга ҳам улгурдик. Вило-
ят марказидан устоз Ошиқ Эркин бошичи-

лигида бир гуруҳ ёзувчи, шоир ва адаби-
ётшунослар биргалишиб, Хонкадаги бо-
лалар мусика ва санъат мактабига ўтқа-
зилган тадбирда ёшларнинг ўз шоирла-
рини қанчалар ҳурмат қилишларининг,
шоир асарларини ёд айтганларининг,
саҳналаштирилганининг гувоҳи бўлдик. Ал-
батта, тенгдошлари ва шоғирдлари эъти-
роф этган Оллоберган Пўлат қувончларига
шерик бўлиб, тахририятимизнинг табри-
гини етказдик. Айнан шу тадбирда шоир
иходи ҳақида Янгибой Қўчқоров қалами-

ларга етказилган. Бу ҳақда қўхна манба-
ларда ёзилган. Хоразмда қовуннинг 56
нави бор. Ширинлиги билан машҳур
бўлишига сабаб эса, аввало, юртинг се-
руқўшлиги, шамол эсиб туриши, минерал-
ларга бой тулроғи ва ниҳоят, асосийси,
заҳматқаш деҳқоннинг пешона теридир.

Қовун навларини сақлаш ва келгуси
авлодларга етказиш ҳам долзарб маса-
ла. Бир вақтлар Хоразмда қовун қамайиб
кетди. Сабаби, ўн-ўн беш йиллар олдин
қовун пашшаси пайдо бўлиб, ҳосилдор-
лик пасай-
ган. Кейин-
чалик илмий
изланишлар
натijasида
бу офат По-
кистон, Кавказорти худудлари орқали
ўтиб келгани маълум бўлди. Қовун паш-
шаси экин энди гуллаган пайтда гул не-
гизига жойлашиб олиб, шу йўл орқали
ҳамак ичига ўтиб, қовун уруғини зарар-
лаб, пишар вақтида пўстини ёриб чиқа-
ди. Қўриб турибсизки, қовун еб бўлмас
даражага келади. Вилоятда бунга қарши
жиддий кураш олиб борилди. Чунки бу
ерга келган меҳмонлар машҳур Хо-
разм қовунини сўраганида битта
ҳам топиб беролмаган кунлар
бўлган.

Вилоят ҳокимлигининг қўрсатма-
си билан илмий марказга полиз
маҳсулотлари етиштириш учун Ян-
гибозор, Беруний, Шаббоз ва бо-
шқа худудлардан ер майдони аж-
ратиб берилди. Қовуннинг турли

га мансуб "Дониш шоир дунёси" номли
китобнинг тақдими ўтказилди.

Йўл-йўлакай борар эканмиз, мослама-
ларга осиб қўйилган қовунлар қўзга таш-
ланади. Хоразм қовунлари тарихи ҳақида
озроқ хабарим борлиги учун йўлдошлар-
римга қадимги араб сайёҳи Ибн Батту-

танинг "Саёҳатнома"сидан айрим
лавҳаларни келтирдим: "Шарқда
қандай бўлса, Фарбда ҳам (мусул-
мон) дунёда хоразм қовунидай, бу-
хоро ва шунингдек, қосфохон қову-
нини ҳисобга олмаганда қовун йўқ.
Пўчоғи ям-яшил, ичи қизил, жуда
ширин, яна қарсиллама. Ҳайратла-
нарлиси, уни бўлақлаб, қуёшда қурита-
дилар ва идишга соладилар, бизда ан-
жир қоқи ва малага анжирини шундай
қиладилар, кейин Хоразмдан Хиндистон
ва Хитойдаги узок шаҳарларга олиб
борадилар. Қоқи солинган мевалар ичида
ундан яхшиси йўқ. Мен ҳинд шаҳри Деҳ-
лига борганимда қимнидир қовун қоқи
олиб келиш учун бозорга юбордим".

Ибн Баттутанинг XIV асрдаги эътиро-
фи ҳозир ҳам ўз кучини йўқотмагани,
Хоразм қовунлари айни вақтда хорижий
давлатларга экспорт қилинаётгани бар-
чага маълум.

Ўз вақтида қишлоқ ҳўжалиги бўйича ил-
мий-тадқиқот марказининг Хоразм бўли-
ми бошлиғи бўлиб ишлаган, қишлоқ
ҳўжалиги фанлари доктори, профессор
Бахтиёр Абдолниёзовнинг бу борадаги
суҳбат биз учун қизиқarli бўлди:

– Асли Хоразм қовунлари уч минг йил-
ликдан зиёд тарихга эга. Қадимда хоразм
қовуни махсус қўроғшин қолигга соли-
ниб, совуқ ҳолатда сақланиб, узок шаҳар-

Ҳумоюн АКБАРОВ

Тошкент — Урганч — Хива — Тошкент

"Нур Шарқдандир" деган гапда ҳикмат кўп. Тафаккури бекиёс одамлар номи билан аталадиган масканларга Яратганининг ўзи файз ва барака бағишлаб туради. Танти ва мард, адолатли ва ростғўй, меҳнатқаш кишилар бундай масканларнинг кўрки, десак хато бўлмайди.

Асосий Қонунимизнинг 23 йил-
лик тантаналари арафасида На-
воий вилоятга сафаримизнинг
илк дақиқаларидаёқ юқоридаги
қиёслар исботини кўрдик. Кенг ва
равон кўчалар, бир-биридан
қўрқам, замонавий ўслубда қурил-
ган намунали уйлар қишлоқлари-

тиришяётган экан. Бу ердаги бог-
лик кўриб сеvimли шоирамиз Зул-
фияхонимнинг "Бу боглар бир
боғлар бўлади ҳали" деган сатр-
лари ёдга тушади.

Тўрт юз ўринга мўлжалланган
талабалар ётоқхонасидаги шарт-
шароитлар билан танишиш асно-

Нуроталикларнинг тоғликларга
хос қазилатлари, содда ва сами-
мий суҳбатлари мусоффо чашма-
лардек қалбимизга ажиб нур ба-
ғишлади. Минг йиллар давомида
бу юртининг доғруғини етти
иклимга таратиб турган қадимий
Нур чашмаси, сержило қорақўл
терилари, камалақхуса мармар-
ларини кўриб Ўзбекистоннинг
хайратлар ўлкаси эканини яна
бир бор эътироф эттимиз келди.
Рухсора Шаропова хали ёш бўли-
шга қарамай, қаштанчилик бўйи-
ча жуда кўп ютуқларни қўлга ки-
ритган. Кўз нури ва қалб қўрини

МУНАВВАР МАНЗИЛЛАР

миз кўрмага кўрк қўшган.

Навоий шаҳридаги ҳарбий
қисмларнинг биридамиз. Бу ер-
даги саранжом-саристалик ҳар
қандай кишининг кўзини қувно-
тади. Аскарларга яратилган
шарт-шароитлар билан танишар-
канман, беҳтиёр ўтмиш кўз ол-
дида жонланамиз. Ўша пайтлар-
да ота-оналарнинг кўзларида:
"Ўғлим эсон-омон қайтармикан?",
деган саволни кўрардик. Ҳар-
бий хизматга қузатилаётган
ўғлонларнинг нигоҳида хуш-
нудликдан кўра, тушкунлик
кайфиятини илғаш мумкин эди.

Ахир, оқ ювиб оқ тараган ота-
онаси, қишлоғини ташлаб, икки-
уч йил ёт юртларда яшашнинг
ўзи бўладими? Мустақилликка
эришдик ва ўғлонларимиз энди-
ликда ўз юрти, ўз қишлоғи учун
Ватан хизматига отланишди.
Ўртага муҳаббат туйғуси жўш
урган аскарларимизнинг юзу
қўзидан мардлик ва шижоат, жа-
зорат ва матонат ҳисларини ил-
ғаш қилин эмас. Уларнинг ҳар
бири дунёни хайратга солган
Жалолиддин Мангуберди, соҳи-
бқирон Амир Темур, Заҳирриддин
Мухаммад Бобур сингари буюк
бобоқалларимиз авлодидан
эканликлари ҳарбий соҳада
қўлга киритаётган ютуқлари ор-
қали намоён этишмоқда.

Навоий давлат педагогика ин-
ститутидидаги ёшлар билан ўтқа-
зилган учрашувлар жуда қизғин
руҳда бўлди. "Конституция билим-
донлари" кўрик-танловидида тала-
балар Бош Қомусимизнинг ҳар
бир боб ва бўлими, моддалари-
ни рус, инглиз, немис, француз
ва бошқа тилларда ёддан айтиб
беришди. Ахборот-ресурс мар-
кази, издан ортик компьютер те-
хнологиялари билан жиҳозланган
кичик тест маркази, буюк мута-
факкирларимиз ва замонавий
илм-фан фидойиларининг илмий
қўлланмалари, бадий адабиёт-
лар билан таъминланган "Маъна-
вият хонаси" талабалар билан гав-
жум. Ўн беш гектарли "Ёшлар бо-
ғи"да ҳам талабалар ҳашар уюш-

сида жуда кўп иқтидорли ёшлар
билан суҳбатлашдик. Рио де Жа-
нейрода ўтказилган оғир атлети-
ка бўйича жаҳон чемпионати Гран
при соҳибаси Махлиё Тогаева-
нинг талабалари, спортнинг ядро
улоқтириш тури бўйича Ўзбекис-
тон терма жамоаси аъзоси Ҳус-
ниддин Норбековнинг муваффа-
қиятлари, "Лайли" ансамблининг
қатор ютуқлари ҳақидаги эъти-

Эл обод — дил обод

рофлар юртимизнинг барча ёшла-
рига ўрнак бўлгудек аслида...

Навоий кон-металлургия ком-
бинати ноёб қазилма бойликлар
ишлаб чиқаришда хориж мамла-
катлари орасида ҳам ўз обрў ва
нуфузига эга. Истиқлол шарофа-
ти туйғайли бепеён чўл бағрида
қад ростлаган "Навоий" эркин ин-
дустриал иқтисодий зонаси ва ха-
лқаро транспорт логистика мар-
казининг ташкил этилиши унутил-
мас тарихий воқеага айланди.
Айни чоғда бу ерда қатор қўшма
корхоналарнинг фаолият юрити-
ши ҳамда хорижлик ҳамкорлар-
нинг юртимизга инвестиция кири-
тиши томонлар манфаатлари
муштараклигига асос бўлмоқда.
Пировардида мингглаб ёшлар, ай-
ниқса касб-хунар коллежлари би-
тирувчилари иш билан таъмин-
ланмоқда. Вилоятнинг экспорт са-
лоҳияти ривож ва чет эл инвес-
тицияларининг муваффақияти кўп
жиҳатдан божхона хизмати, фео-
лияти билан боғлиқдир. Вилоят
божхона бошқармасида бўлиб
ўтган учрашув Конституциямизда
инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий
и ҳуқуқлари масаласидаги са-
вол-жавобларга бой бўлди.

Қизилтепа тумани азалдан
хунарманд, қосиб ва ишбилар-
монлар юрти саналади. Шу бо-
исдан бўлса керак қизилтепалик
ҳар бир ёш йигит-қиз қаида икки
хунарнинг бошини тутган. Бугун-
ги кунда улар эришяётган ютуқ-
ларни кўриб кўнглингиз кўтари-
лади.

ёшларни Қизилтепа агроиктисо-
диёт, Нурота ижтимоий-иқтисоди-
ёт, Хатирчи педагогика коллеж-
ларида ҳам учратдик. Хатирчининг
энг чекка худудидида жойлашган Ол-
тинсой қишлоғилик Толлибой
ҳожи ота Оқбўтаев бугунги
ёшларга ҳавасланиб шундай дей-
ди:

— Келаятган 2016 йилни
Юртимизимиз "Соғлом она ва
бола йили", деб номлагани бе-
жиз эмас. Биз меҳнатидан ба-
рака толган, тоғганини болала-
рига атайдиган халқимиз. Ҳозир-
ги алғов-далғов, нотинч замон-
да тинчликнинг қадрлаб, Ярат-
ганга беавад шукроналар кел-
тириб яшайдиган халқимиз. Шу-
нинг учун ҳам файзимиз, бара-
камиз бўлакча. Фарзандлари-
мизга тиллаган тилақларимиз,
атаган ниятларимиз беҳисоб.
Юртининг тинчлигига ҳар бири-
миз, ҳар куни ва ҳар сонидида
масъулмиз. Чунки болалари-
мизга биздан муваззам ва пок-
за Ватан қолиши керак.

Навоий ҳазратларининг "Бир
нафасга икки шўкр қилмоқ керак"
деган ҳикматлари навоийлик юр-
тошларимизга аталгандек гўё.
Бугун ҳар бир навоийликнинг юр-
тагида ана шундай фахр ва ифти-
хор, самимий шукроналик бор.
Шукроналик эса файзу фароғат-
нинг, фаровонлиқнинг қалитидир.

Сайёра ТҲҲИЕВА,
ёзувчилар уюшмаси аъзоси

КОМНОТ ГУЛТОЖИГА ЭҲТИРОМ

Буюк бобоқалонимиз, улуг шоиримиз Алишер Навоий "Лисон ут-тайр"
асарида таъкидлаганидек, "Инсоннинг ажойиб жисми бир махфий сир
ҳазинаси ўларок, ўзида ганж тилсимини сақлайди".

Яқинда қабул қилинганнинг 23 йиллиги кенг
нишонланган Конституциямиз ана шу жисму жони-
мизни турли-туман хавф-хатарлардан ҳимоя қила-
ди, яшаш ҳуқуқимиз дахлсизлигини таъмин этади.

Мамлакатимизда ўзбек тилига ихтисослаштирил-
ган умумтаълим мактаблари таркибидида ҳеч бир жи-
ҳатдан кам бўлмаган қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик,
қирғиз, туркман тилидаги синфлар ташкил қилин-
ган. Бундан ташқари, барча умумтаълим мактаб-
ларида биринчи синфдан бошлаб чет тилини ўр-
ғаниш йўлга қўйилган. Қўлбал ўрта махсус ва олий
таълим муассасалари ўзбек тили билан бир вақтда
бир неча хорижий тилларни ҳам ўрганишга йўнал-
тирилган. Бугунги кунда фарзандларимизнинг ўз она
тиллари қатори жаҳон тилларини му-
каммал эгаллаб олаётганлиги ўзбек хал-
қининг жаҳон халқлари ўртасидаги ин-
теллектуал салоҳиятини янада ошириш
учун, турли тилларда ижод қилишимиз, бошқа халқ-
лар ижодий ҳаётини тубдан ўрганишимиз учун ҳам
хизмат қилмоқда.

Бугун амалга оширилаётган аҳоли соғлиғини сақ-
лаш ишлари давлат сиёсатининг асосий йўналиш-
ларидан бирига айланган. Унинг натижаси янги-
янги замонавий тиббиёт масканлари, уларнинг за-
рур диагностика ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан
жиҳозланиши, скрининг марказларининг таш-
кил қилиниши, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш-
га бўлган эътибор, кўптармоқли болалар шифохона-
лари, ихтисослаштирилган педиатрия тиббиёт му-
ассасалари, қишлоқ врачлик амбулаториялари ми-
солида кўринмоқда. Хуллас, аҳолининг соғлиғини
сақлаш, малакали ва замонавий тиббий хизмат тур-
ларини кенгайтириш борасида амалга оширилган
ислохотлар, бажарилган ишлар қўлба ва салмоғи
жуда кенг. Президентимизнинг Ўзбекистон Респу-
бликаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йил-
лигига бағишланган тантанали маросимдаги маъ-
рузасида таъкидланганидек: "Бугунги кунда Тош-
кент шаҳрида Жанубий Корея давлатининг бе-
гараз ёрдами билан қиймати 130 миллион 600
минг доллар бўлган кўп тармоқли замонавий
болалар шифохонасининг қурилиши бошлан-

ди. Бу мажмуанинг — Мустақил Давлатлар Ҳам-
дўстлиги мамлакатлари худудида ягона бўлган,
тўртинчи, яъни энг юқори даражага эга ноёб
тиббиёт масканининг яқин келгусида фойдала-
нишга топширилиши соғлом авлод тарбияси
йўлида улкан қадам бўлиши шубҳасиздир".

Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, инсонпар-
варлик гоғларини ҳаётга татбиқ этиш бугунги кун-
да давлатимиз сиёсатининг энг устувор вазифа-
ларидан бирига айланган. Шу сабабли ҳам Конститу-
циямизда ўз ифодасини топган оила давлат неғи-
зини ташкил этиши, оиланинг давлат ва жамият
ҳимоясида бўлиши, оналик ва болалик давлат то-
монидан муҳофиза этилиши, ҳар бир ота-она ўз фар-
зандини тарбиялашга ва моддий таъ-
минлашга, ҳар бир вояга етган, меҳнат-
га лаёқатли фарзанд ота-оналари
ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги
тўғрисидаги меъёрлар миллий қадриятларимиз ва
урф-одатларимизга тўлиқ ҷамоҳанг бўлиб, жамият-
да оила ва маҳалла институтларининг ролини оши-
ришга хизмат қилади. Юртошимиз таъкидлагани-
дек, "...Оилаларимизда соғлом маънавий муҳит-
ни ташкил қилиш, хусусан, эр-хотин, ота-она
ва фарзандлар, қайнона ва келин ўртасидаги
муносабатлар, қўшничилик муносабатларининг
ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат руҳида бўлишига
эришиш — бу юртимиздаги тинчлик-осойишта-
лик ва аҳилликни янада мустаҳкамлашнинг энг
муҳим шарт эканини доимо эсда тутишимиз-
ни истардим".

Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотган-
да, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда на-
зарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъми-
нот олиш ҳуқуқига эга, деб белгиланиши ҳар бир
оилани, айниқса кексаларимиз ва аёлларимиз, шу-
нингдек фарзандларимизнинг ижтимоий муҳофа-
засига йўналтирилган конституциявий меъёрлар жа-
миятда инсон омилини ҳимоя қилувчи умуминсо-
ний қарашларнинг ёркин ифодасидир.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
хуқуқшунос

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мутахассисларнинг фикрига кўра,
оилавий ҳаётга руҳан тайёр бўлиш ке-
йинчалик дуч келиши мумкин бўлган
зиддиятларни бартараф этишнинг бир
омилидир. Чунки турмуш қуриш, дега-
ни ўзгаларни тушуниш, турмуш ўртоғи-
нинг ўрнига ўзини қўй билиш, одамлар
қалбига йўл топиш, қолаверса, муро-
саю мадорани тақозо этади. Ахир, мола-
римиз айтганидек: "Эрнинг этигини
ечиш осонмас".

— 2016 йилни юртимизда "Соғлом она

ҚИЗ БОЛАНИНГ БАХТИ

ва бола йили" деб номланишининг тағ-
замирида соғлом ва баркамол авлодни
вояга етказ

Минҳожиддин МИРЗО



НАВОИЙ ҲАЗИНАСИ

Сўз мулкида фахри олам, хизри роҳ,
Ишқ дарсида муридди ирфон паноҳ,
Эй кўнгли, кел, таъб ганжидин бўл огоҳ,
Навоийдан рисолатни ўрганайлик.

Баҳр аро тошган ҳазинам тийнати,
Улки нймон кишварининг зийнати,
«Қуш тили»дажам эътиمود, нияти,
Навоийдан ҳидоятни ўрганайлик.

Фарҳод ила Мажнун деб ишқ шоҳини,
Лайло ила Ширин демиш моҳини,
Англадинми, эй кўнгли, сен оҳини,
Навоийдан саодатни ўрганайлик.

«Садди Искандарий» — бил, зулматда жон,
«Сабъан сайёр» эрур бир имтиҳон,
«Ҳайрат ул-аброр» ичинда дил ниҳон,
Навоийдан адолатни ўрганайлик.

Ҳар байтида акс этур жон сурати,
Эл ғамидин ғамгусор инсон сурати,

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

ҲАЁТЧИ ҲИҚОЯТЛАР

“Ким эдигу ким бўлди?” Бугун ушбу долзарб мавзуда мушоҳада юритар эканмиз халқимизнинг озодлик йўлидаги мардона кураши, Ватанимизнинг шонли тарихи, шу билан бирга, мустақиллик давридаги эркинлик, юлғун турмуш ва машаққатдан иборат меҳнатлар кўз ўнгимиздан ўтади. Айниқса, кекса авлод вакиллари билан суҳбатларда яқин ўтмишдаги мустақил тузум етказган азоб-уқубатларни теран ҳис этамиз, ўйга толамиз. Айни пайтда улар босиб ўтган йўл бугунги ёшларга юрт қадрини юксак тутиш, Истиқлолимизни кўз қорачигидек асраш зарурлигидан сабоқ беради.

Ҳаётини илм-маърифат ва таълим-тарбияга бағишлаб келаётган устоз адабиётшунос Ҳамиджон Ҳомидий ана шу кекса авлод зийлиларидан. Олимнинг кўйидаги ҳаётӣ ҳиқоятлари юртимизнинг бугунги озод ва фаровон ҳаёт манзилларига чиққан йўли нечоғли оғир кечганини яна бир бор ёдидимизга солади ва мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ҳар бир ўзбекистонликнинг муқаддас бурчи эканини тасдиқлайди.

КИМОШДИ

«Кимошди савдоси» деган гапни мен 5-6 яшарлигимда ўз хонадонимизда эшитганман. Зероки, ўтган асрнинг 30-йилларидаги шўролар ҳокимиятининг нимчабойларни — мулкдорларни кулоқ қилиш, номдор зийлиларни қатагон этиш сиёсати бизнинг оилани ҳам четлаб ўтмаган. Чунки бизнинг Кўлбоғ маҳалласида катта бочча — дала ҳовлимиз, хонадонимиз шимолида узумзор боғимиз бўлган. Бундан ташқари, ичкари ҳовлимиздаги болохонада отамнинг амакиваччаси Дадажон ака, тоғаларим Раҳмонберди ва Абдуваҳоблар, жами 6 киши тикувчилик билан шуғулланадиган кичик устахона мавжуд эди. Қўшилларнинг қақуви туйфайли бир кечада олти эркакни ҳибсга олиб, онам, олам Руқияжон, акам Аҳмаджон, укам Маҳмуджон ва мени даҳлиз ва пешайвонга ҳайдаб, уйларимизни муҳрлаб ташлашди. Бир ҳафтадан сўнг тоғаларимни қамқондан чиқариб юбориб, отамни ер-сувли бой сифатида кулоқ, деб эълон қилиб, Пишкўй(ҳозирги Бишкек)ка олиб кетишди. Бизни эса кулоқнинг оиласи сифатида кўчага ҳайдашди. Бутун хонадон аҳли бошпанасиз, халқ ибораси билан айтганда «бесару сомон» қолдик. Селхона яқинидаги Йўлдош амма (Оллоҳ у кишининг охиратларини обод қилган бўлсин) ўз бағирларига олиб, бир хоналарини бизга бўшатиб берди. Дарвозамизга отнинг калласидай қўлф осилди. Ҳар кун кўшни болалари мендан «Сизларникида кимошди савдоси қачон бошланар экан?» деб сўрашарди. Мен ҳеч нарсага тўшунмай, ҳайрон бўлардим.

Кунлардан бир кун эрталаб маҳалламиздаги Корхона мачит дарвозасининг ёнида турсан одамлар: «Юринглар кимошди савдосига! Эшитмадим деманглар, устаникида «кимошди» бошланди!» деб бизнинг торкўча томон кета бошлашди. Уларга эргашдим. Ҳамма икки қаноти ҳам ланг очилган нақшинкор дарвозадан ичкарига ёпирилди. Уларга қўшилиб ичкарига кирдим. Қаерданки Раҳмонберди тоғам пайдо бўлиб, мени пешайвон устуни олдига олиб борди. Уйимиздаги оҳанжама сандиқ, акамни уйлантириш учун тўпланган атлас, дуқуба, бекасам, кимхоб, ҳарир, хитойи крептишинлар сандикдан олиниб, тартиби билан тўп-тўп териб қўйилган; ўнг томонда учта янги гилам тахлоглик; унинг ёнидаги тўшак, кўрпача, янги кўрпалар тахлами айвон шифтига тегай, деб турбиди. Чап томонда тилла, кумуш рангли иккита самовар, бир қанча хитой лаганлари, бир тахлам чинни коса, чойнак, пиёла, обдасталар, ўчоқ олдида арра, теша, болта, босқон, болға, ломларгача уюлиб ётибди. Умоч тиллари ҳам бор. Хуллас, бир бут рўзгорнинг барча буюмлари намоишга қўйилган. Бир вақт «Келди!

УМРИМ ФАСЛАМЛАРИ

Шул эмасми ҳақиқий имон сурати,
Навоийдан диёнатни ўрганайлик.

Ҳикмати хаста кўнглига ёр, англадим,
Йиғладим, афғонини зор англадим,
Одамидан бир фаришта бор-англадим,
Навоийдан ҳаловатни ўрганайлик.

Назми қалблар тахтида, мушкулқушод,
Ҳаққига айланг дуо, руҳ ўлур шод,
Улки биз-ла, бўлмағаймиз номурод,
«Хазойин ул-маоний»ни ўрганайлик,
Навоийдан Навоийни ўрганайлик.

МЕҲМОН

Кетаётган турналар каби,
Умрим фасллари алмашар,
Юрагимга кириб ётмоқ-чун,
Кеча-қундуз ўрин талашар,

Меҳмон қутиб меҳмонхонада
Йиллар ўтганини сезмабман,
Ёшлик деган аиз меҳмоннинг,
Келиб кетганини ҳам билмабман...

КУЙГАНЁР ҚҶШИФИ

Анджонда шундай қишлоқ бор

Куйганёру, Куйганёр, шунда кўнглим суйган ёр,
Куйганёру Куйганёр, билмам, кимни суйган ёр.

Кетолмадим боғ оша, гуллар тўсди йўлимни,
Ўраб олди юлдузлар, менинг ўнгу сўлимни.

Муҳаббатга бош эгиб, унутдим бор дунёни,
Сирдошига айландим, ўша Қорадарёни.

Кутдим, кўнглим кўзига, ёш келди, ёр келмади,
Сомон йўли-бу қишлоқ бир юлдузин бермади.

Куйганёрда ёр кутдим-ей, Куйганёрда қуйиб мен,
Куйганёрдан кетолмадим, куйдирганим суйиб мен.

ТҶРТЛИҚЛАР

Ошиқ дил бунчалар обод тўшадир,
Ким бундоғ кўнглига нур шод қўшадир.
Кўнгли мусаввирин ердан излама,
Асли фалакдаги Бехўд ўшадир!

Мажнуннинг ишқини демангиз азоб,
Итиҳосин деманг бу дилин сароб.
Бу шундай йўлдири, англолмас гофил
Дардсизлик гуноҳу дарлдамдлик савоб.

Ишқ йўлида Мажнун бўлиб ўтганлар бор,
Бол ўринга ҳажр захрин тогганлар бор.
Қорлардан ҳам гул сўраган ошиқман мен,
Аёзда ҳам баҳорини кутганлар бор.

Боқсам тўйиб юзингга, нурли қўёш кўринди,
Кўнглим очсам, кўнглим йўқ, юрагинг тош кўринди.
Англолмадим бир ҳолини, нечун кетаман десам,
Киприкларинг яширган кўзингга ёш кўринди.

М.ҲОЖИМАТОВ 1965 йилда туғилган. ЎзМУ журналистика факультетини тугаллаган. “Нилуфар”, “Кўнглим қуртаклари”, “Гуллаш пайти келди, боғларим”, “Соғинч салтанати” сингари китоблари чоп этилган.

Уруш олови дунёнинг ҳали у, ҳали бу минтақасига ёйилиб, боғ-роғларни култепага айлантириб бораётгани, миллионлаб қочоқлар болаларини бағрига маҳкам босганича, бегона юртларда жон ҳовучлаб юргани ўзини тўлақонли инсон деб билувчи бирон-бир кишини бефарқ қолдиролмайди. Жаҳон миқёсида олиб қаралганда ҳам, ТИНЧЛИК деб аталмиш неъмат, ҳатто, тўқчиликдан кўра муҳимроқ аҳамият касб этиб бораётгани сира-ям ажабланарли ҳол эмас.

Қаламқаш тенгдошлари орасида алоҳида бўй кўрсатиб, кўзга яққолроқ ташланиб бораётган Носиржон Жўраевнинг тинчликка, унинг бекиёс нафосатига бағишланган шеърини ўқиган кишининг юраги ларзага тушмоғи табиий. Бу мўъжаз асар инсонларни огоҳликка, тотувликка қорлаши, осойишта кунларга шукроналик туйғусини алангалатуви билан беҳад долзарб ва қимматлидир.

Фуқаролик бурчини ҳар лаҳзада ҳис этиб яшаш саодати, энг аввало, барча ёшлари-мизга бирдек насиб этаверсин!

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири.

Носиржон ЖҶРАЕВ

ТИНЧЛИК ҚАЙТУСИДА
МЕБРАҲАР ЗАМИН

I.

...Олмани қиличда арчиб ейилмас,
Ёнғоқ қоқилмайди найзалар билан.
Анорга милтиқдан тиргак қўйилмас,
Гул узилмас қонли панжалар билан...

“Ҳар неки рост эрур, дегулик эмас” —
Ҳазрат Навоийнинг олтин ўғити.
Аммо жим турмоқни истамадим, бас,
Мен —
Янги асрнинг ўқтам йигити.

Ахир, мен тақдирнинг мукаммал иши,
Бошимда онг уйғоқ, кўксимда қалб бор.
Ана шу онгимда дунё ташвиши,
Ана шу юракда титраган зарб бор.

Термусам оламнинг харитасига,
Самодан боққандай ҳаммаси аён.
Заминнинг бутуни ва эртасига
Изоҳ тополмасдан турибман ҳайрон.

Кўм-кўк дарёларда лойқа билан қон,
Ям-яшил боғларда алвон аланга.
Қора қузулардан доғдир оқ осмон,
Кўзим тўлиб кетар тескари ранга.

О, мўътабар замин, яралганинда
Кутган эдингми сен шунча низоми?
Ё турфа тил билан аталганинда
Бўлсин деганимнинг қирғин тўзони?

Гилос данагидай келмайди юкинг
Чексиз коинотнинг ҳайбати аро.
Бирок не ҳасратки, бир ўзинг бу кенг
Нотинч мавъоларда энг бахти қаро!

II.

Зангор майсаларга қўмилиб ётиб
Ўйлайман (шабнамдек муаллақ ёшим)
Араб саҳросида қумларга ботиб
Жизғанақ ва ташна юрган Ердошим.

Отаси, онаси бўлган, ҳа, ҳалок,
Ўйда аллақачон сўнган ўт-ўчоқ,
У энди ўз жонин асрашга ҳалак,
У энди одаммас,
У энди — қочоқ.

Жаҳолатта ётди шафқат, андиша,
Жоҳилнинг қўлида машғум ҳукм бор.
Жаллодлар ниқобда бўлар ҳамиша,
Билиб бўлмас ниқоб ортида ким бор.

Мана шу ўпқоннинг гирдибодиди
Ойболта тилиқлаб борар Ер юзин.
Қаттол адашмайди ҳеч ҳисобиди,
Унинг қонли қўли бунчалар узун?!

Юрак хуружига ҳакимлар масъул,
Аммо ким тўхтатар фитна хуружин?
Бугун ким хоҳласа ўйлаб бир усул,
Бошлаб кетаверса қавмлар урушин...

III.

Майизни қирқ бўлган шу оламзотнинг
Тариқни минг парча қилар ядроси.
Қамчи ва қанд бериб ўйнатар отни,
Ўзича ҳаммаси дунёга қози.

Харитага чизиб қизил қаламда
Улушин ажратар гегемонлари.
Ернинг ҳар нуқтаси (менинг чамамда)
Ядро ва ахборот полигонлари.

Олмани қиличда арчиб ейилмас,
Ёнғоқ қоқилмайди найзалар билан.
Анорга милтиқдан тиргак қўйилмас,
Гул узилмас қонли панжалар билан.

Бир тизлам олма еб кўрмаган гўдак,
Бир донга гул узиб улгурмаган қиз
Жувонамг бўлмоқда, уволдир демак,
Уларга бир ютум ҳаво ҳам танқис.

Қандайдир кўрнимас куч хоҳишидан
Тутунга тўлмоқда уйи ва кўнгли.
Мен гўзал бир юртда турган кишинман,
Лек яққол илғайман ундаги мунгли.

IV.

Уч-тўртта нонқўрнинг, ватангадонинг
Ҳаддан ортиб борса одамқушлиги,
Қани авлодлари Одам Атонинг,
Қани Инсоният яхлит қучлиги?

Ҳар тонгда дунёни уйғотса таҳдид,
Ҳар шом кўнглиларга кирса ваҳим.
Қон ва кўз ёш билан тўлса шу тахлит
Бу Янги мингйиллик деган саҳифа.

Минг лаънатлар бўлсин илмни жангта
Йўналтирган қурол кашшофлигига,
Совуқ атамалар киритиб фанга
Доғ солди шуурнинг шафқофлигига.

Кимё ё ал-жабр формуласидан
Олам тамаддунга эришган чоғи,
Битта илмфуруш тор қулбсидан
Бошланар оламга ажал сўқмоғи.

Бу ўйин полвоннинг полвонга қарши
Майдондаги ҳалол беллашишмас.
Бу ўйин (эҳтиمود, шу таъриф яхши)
Чаённинг полвонга урган ниши, бас!

V.

Ҳас тушмасин, дея кўнгли боғига
Ва кўрмасин дея эли ғам-ҳасрат,
Ота ва ўғилнинг иттифоқида
Кафиллик қилганди Навоий ҳазрат.

Ҳозир иттифоқнинг номи кўп, бироқ
Аъмоли — хунрезлик, касби разолат.
Худди қўзғаландек эски жинчирок,
Тутунга ўралиб чиқар қабоҳат.

Бир тўла очофат нафс кутқусида
Тўрт томонга чангал солар — аждаҳо.
Худодан кўрқин йўқ қалб юзида,
Лекин бойлик учун борар саждага.

На Таврот,
На Инжил,
На Қуръон ҳаққи,
На Мусо,
На Исо,
На Муҳаммад деб,
Яҳудий, насроний ва ислом аҳли
Қон тўкиш ҳуқуқин олмаган сотиб.

Пашшага ҳам озор йўқ, деган таълим
Рухсат бермагидир ундан нарига.
Аммо икки ҳовуч чаламуаллим
Шарҳ тўқир эътиқод аҳқомларига.

Шунга қаратилган ҳамма амаллар,
Уларга қўйсанг Ер қурумга тўласа...
Нечукким, бойқушга боғу чаманлар,
Гулханий айтгандек, вайрона бўлас.

VI.

Ҳар нарсадан устун эзгу дуоси
Бўлган бир миллатнинг фуқаросиман.
Атомдан қучли пок қалам нидоси,
Мен шоир аҳлининг бир овозиман.

Бойнинг ҳамёнига йўқсил қозони
Ўртасида фитна тўзаётган ким?
Махфий ҳужжатларга гажак имзони
Қўйиб, халқлар тичин бузаётган ким?

Мен сезиб тураман, сувнинг бошида
Оёқ юваётган галамис кимдир,
Ё ҳаёт, ё мамот — жон талошида
Бечора Ер шар — онамиз жимдир!

Бир ўғли қиморбоз, бир ўғли қаззоб
Чиққан волидадек эзилар замин.
Тўнғичи кенжага бергандек азоб,
Ўртада қолгандек сезилар замин.

Мен шу она Ернинг онгли ўғлони,
Мушфиқ табиатнинг уйғоқ одами.
Бағримда жафоқаш эллар туғени
Ва етти миллиард инсоннинг ғами.

Киритмоқ истаيمان манфур эсини,
Ётмасам ўзимнинг ҳузурим ўйлаб.
Байроғимга ёзиб ТИНЧЛИК сўзини,
Югурмоқ истаيمان Ер шар буйлаб.

Н.ЖҶРАЕВ 1984 йилда туғилган. ЎзМУ журналистика факультетини тамомлаган. “Улғайиш кунлари”, “Муҳаббатдан сўнг...”, “Энг қудратли зарра”, “Шарҳ” сингари китоблари нашр этилган.

“ЙЎЛ ҚИЛУР ЖИСМИМДА АШК...”

Бугунги ўқувчи ҳазрат Алишер Навоий шеърятига хос образ — “тахайюл мулки”га эҳтиёж сезади. Чунки улуғ шоир қўллаган тимсолларда ҳар бир даврнинг саволларига аниқ жавоб бор. Лекин уларни англаш ҳар доим ҳам осон кеча-вермайди. Зеро, шоир наздида баъзан биз учун галати кўринган нарсаси ва ҳодисаларда қандайдир бир илоҳий ҳикмат бордек. Шунга қўқур ҳис этган ва теран пайкаган Ҳазрат тимсолларни кўкдан эмас, балки ҳокисорлик манзилларидан излаганлар. Шоир шеърятининг асл сир-синаоти, бетакорро жозибаси ҳам, аслида, ана шунда.

Улуғ шоирнинг ҳар бир ғазали замирида бундай хусусиятлар мўжассам.

Энди ана шундай ғазаллар сирасига кирувчи “Наводир ун-нихон”нинг 478-ғазалини тўла келтирамиз:

Қилса жонон оллида жоним Туфайл ўлмоққа майл,
Кош юз жон ўлсамки, ҳар дам бирин қилсам туфайл.

Истаса куйган қўнгул ўтлуқ юзунгин қилма айб,
Ихтиёри йўқтур айларда самандар ўтқа майл.

Йўл қилур жисмида ашк элтур сўнгаларни узуб,
Ер қазиб хошок оқизгандек қаён юзланса сайл.

Қатран саҳбо Сухайлидин лабинг майгун эмас,
Ким, ақиқедур бужим ранг олур андин юз Сухайл.

Бир мулоиб ҳинду ўлмиш ҳар қўзунгинг мардуми,
Кирпингнинг ҳинд аҳлидин ҳангома тузган икки хайл.

Тақя қилма тақвино тоатқаким, нафъ айламас.
Ҳазилдин етмай башорат Бишр бўлғил, гар Фузайл.

Шоми ҳажр эмас шафак, балким Навоий ғуссадин
Йиғлади қон анчақим гардунга рангин бўлди зайл.
Етти байтдан таркиб топган бу ғазалини зоҳирий ва ботиний маъноларига кўра, ҳам халқона, ҳам ботиний бир тилда битилган, дейиш мумкин. Аниқроғи, ғазалининг маънавий қиммати тўғайиқ ичра нихон бўлган илоҳий қудрату тафаккурини қиёсийликда зухурланади. Қуйида бу ғазалини қурбимиз етганча шарҳлашга уриндик.

Қилса жонон оллида жоним Туфайл ўлмоққа майл,
Кош юз жон ўлсамки, ҳар дам бирин қилсам туфайл.
Дастлаб мазкур байтдаги энг характерли сўзга эътиборни қаратайлик. Бу — арабча туфайл сўзидир. Зеро, унинг замирида улуғ шоир назарда тутган ажиб бир тимсол мўжассам. Туфайл Алишер Навоий асарларида “қақирилмаган меҳмон”, “ўзи қақирилмаган бўлса ҳам, қақирилган кишилар қаторида, уларга эргашиб, тўй-маъракаларга борувчи”, “сабаб”, “боис”, “баҳона”, “важ-қорсон”, “восита” сингари маъноларда қўлланилади. Умуман, диний адабиётларда бу тимсол араблар қабилисига мансуб. Умайя авлодидан бўлган Туфайл исмли шахсдир. У жуда камбағал, фақир бўлгани туфайли, бировларникига меҳмондорчиликка ҳам бора олмаган. Демак, шоир бунда қайсидир маънода камбағаллик айрим кишилар назарида фазилат бўлмаслиги мумкин, лекин бу айб ҳам эмас, деган бадий тафаккурни илгари суради.

Холбуки, шоир Туфайл шахсида қандайдир бир илоҳий ҳикмат борлигини кўради. Энг муҳими, унинг ўз шахсий олами мавжуд. Шунингдек, у ҳаётда доимо ўз жодаси ҳаддини яхши билади. Айни шу жиҳатлари билан бошқалардан фарқланиб туради. Яна унда Худо берган шундай жиҳат мавжуд: у кимсалар меҳмондорчилигига бориш учун бойиш ўқда турсин, ҳатто бу тарзани ҳаёлига ҳам келтиролмайди. Улуғ шоир ушбу байтда гўзал ташбеҳ орқали айни

шу ҳолатга рамз-ишора қилганининг эҳтимоли кўпдир. Чунки давр аҳли унинг сўзини англаши кийин. Илло, беҳиз шоир бир ўринда шундай демаган эди: “Сўзини англа маст эт мени ул навъким/ Бўлмағай мумкин менга давр аҳли сўзини англамоқ”. Айни маънода ғазалининг ilk байтининг қисқача мазмуни қуйидагича шарҳланади: агар жонон, яъни маҳбуба оллида жоним — руҳим Туфайлдек бўлишни истаса, бунинг ҳеч ажабланирли жойи йўқ. У камбағал, фақирдир, лекин ботинида ажиб меҳрга ташна садоқатли кўнгли яширин. Борди-ю менга ҳам шундай тақдир раво кўрилган.



да, шубҳасиз, юз жоним бўлса, у учун биринкетин нисор этардим. Ахир, азалдан тақдир унга шу фақирлиқни ихтиёр этган бўлса, не ажаб. Айни маънода улуғ мутафаккир тахайюл оламида дунёнинг бир кунжида тоилари ҳувиллаётган Туфайл қулбаси жонланади. Балки чинакам кўнгли шуларни деб барҳаётдир. Бунда яна шундай рамз бор. Зеро, инсон тийнатида, аслида, яқрағиллик ҳам интилиш кучли. Лекин бунинг сира илоҳи йўқ. Эҳтимол шунданки, дунёнинг манзили маҳонлариди қанчадан-қанча умргузаронлик қилаётган мискинлар ўзларининг мўъжазгина қулбаларини нақадар азиз биладилар. Уни тарқ этишни эса, тасаввур ҳам қила олмайдилар. Буни ўз вақтида чуқур англаган таракқипарвар инсонлар уларни табаррук гўша-ларидан жилдиришни истамай, балки аксинча, турфа хиллиқни саклашга интилаётдилар. Чунки бу нафақат кибру ҳаволикка, балки, кўнглининг ўта сақлашб кетиши-ю, сунъийликка барҳам берувчи энг муҳим восита ҳамдир.

Истаса куйган қўнгул ўтлуқ юзунгин қилма айб,
Ихтиёри йўқтур айларда самандар ўтқа майл.

Байтининг қисқача мазмуни: агар ҳар ўтида куйган, яъни ботиний изтироб чеккан кўнгли жо-зибали оразингги кўришни истаса, айб қилма! Илло, самандар (ривоятларга кўра, ўтдан пайдо бўлиб, ўт ичида яшайдиган жонивор) ҳам аслида ўз ихтиёри билан ўт ичида яшамайди.

Йўл қилур жисмида ашк элтур сўнгаларни узуб,
Ер қазиб хошок оқизгандек қаён юзланса сайл.

Ушбу байт мазмуни: кўз ёшим жисмим ичра оқиб, шундай бир йўл кўрсатмоқдаки, бу ҳудди ер қазиб, ундаги хору хасларни ёмғир ёғинидан пайдо бўлган оқавалар оқизиб кетишини кутган дамга мўнғашдир. Нақадар гаройиб таш-

беҳ; шоир демоқчики, гўё кишилар устухон уза-тик турсалар, мен ҳам устун билан тикман.

Қатран саҳбо Сухайлидин лабинг майгун эмас,
Ким, ақиқедур бужим ранг олур андин юз Сухайл.
Аввало, байтдаги нотаниш бўлган сўз маъносини изоҳлайлик. Бу — арабча сўхайл сўзидир. Унинг луғавий маъноси “осмоннинг жанубий то-

Алишер Навоий — 575

монидаги ёруғ юлдузлардан бирининг номи”, “порлоқ юлдуз”. Форсий манбаларда бу юлдуз Сухайли Яман ёки Сухайли Яманий деб ҳам юритилган. Негаки, у Яман мамлакатидан янада равшанроқ кўринган. Ушбу маънога кўра, байтни қуйидагича шарҳлаш жоиз: лабинг Сухайли Яманийга ўхшаш қизил май қатрасидан баҳраманд бўлма-са-да, лекин бир ҳақиқ тошдирики, ундан юз Сухайл ранг олар.

Бир мулоиб ҳинду ўлмиш ҳар қўзунгинг мардуми,
Кирпингнинг ҳинд аҳлидин ҳангома тузган икки хайл.

Улуғ шоир юқоридаги бадий кайфиятни ушбу байтда ҳам давом эттиради. Байтда мулоиб сўзи луғавий, яъни “уйновчи”, “ҳазилкаш”, “масхарабоз”, “найрангбоз” маъносиди қўлланган. Айни шу маънода, бу байт мазмуни қуйидагича: бир аjoyиб ўйнаб турган кўзларинг гавҳари, яъни қорачиги ёки қораси ҳудди хундуларнинг қора холига ўхшайди. Киприларинг эса, гўё ҳинд аҳлидан йиғин тўпла-ган икки қўшин тўдасига мўнғашди.

Тақя қилма тақвино тоатқаким, нафъ айламас.
Ҳазилдин етмай башорат Бишр бўлғил, гар Фузайл.

Улуғ шоир биринчи байтдаги бадий кайфия-тни бу ўринда тўла поёнига етказди: бас, аслида инсон унутувчи ва ожиз ҳамдир. У ўзининг ана шу қусурларини илғамас экан, албатта, залолатга юз тутади. Бундай кишига қуруқ “тақвино тоат” — тоат-ибодатга берилиш ҳам фойда бера олмайди. Зеро, Тангридан бир фазл — ишора бўлмай киши, то ҳатто Бишр ёки Фузайлдек илоҳий қудрат соҳиби бўлса ҳам, бундан унга бирор-бир наф йўқ, яъни ҳар қанча урингани билан киши қомил инсон бўлиши мумкин. Холбуки, қадимда Бишр ва Фузайл ўз замонасининг машҳур шайхларидан бўлган. Бири башоратчиликда, бири тақводда (“Насо-ийм ул-муҳаббат”. — Т., 2001. 21–39-бетлар) ном қозongan.

Шоми ҳажр эмас шафак, балким Навоий ғуссадин
Йиғлади қон анчақим гардунга рангин бўлди зайл.

Бу байт замирида яширинган теран илдизли маъно, образли ифодалар шоми ҳажр — “фироқ туни”, “айрилиқ шоми”; гардун — “осмон”, “олам”; зайл — “бирор нарсанинг этаги”, “ҳолат”дир. Лекин бу образли ифода Навоий шеърятинида бундан ҳам кенг фалсафий, ботиний маъноларни ан-глатиб келади. Шу маъноларга кўра, байт мазму-нини қуйидагича шарҳлаш мумкин: бу кечдаги қизиллик фақат ҳажр шоми туфайлигига содир бўлган эмас, балки бу кеч Навоий ботинан шун-чалар қон йиғладики, ундан гардун — осмон этаги рангин бир тўз олди ва шундай тавр юз берди.

Умуман, ғазал зоҳиран шеъринг тарз, ботинан-эса, тахайюлий ва мажозий маънолар касб эт-ганлиги билан Навоий ғазалиётинида муҳим ўрин тутди. Ҳазал ўзбек миллий поэтик тафаккур тар-зида янгича бир тавр уйғотди, киши кўнглига эса асл шеърятни англаш сирларини солади.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ,
филология фанлари номзоди

Адабий жараён

чаларимизни бойтардик. Айниқса, ўша йилларда ёзил-ган И.Гафуровнинг “Улмас Умарбеков қаҳрамонларига мактублар”и таъсири ҳақи-ҳануз хотирамдан чиқмайди.

Биз фикр юритаётган тўпламдаги айрим мақолаларда ада-биётшуносликнинг вазифаси бадий асарни тушунтириб бериш ёки ёзув-чига йўл-йўриқ кўрсатиш эмас, деган қарашлар илгари сурилган. Бироқ фи-лология фанлари доктори, профессор Дилмурод Қуროнов айнан бизнинг ди-лимиздаги фикрларни айтган: «...тан-қид ўқувчи омма билан мулоқот қили-

Атоқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Матқуб Қўшонов домлада кундалик ёзиб бориш одати бўлган. Домланинг умр йўлдоши Раҳима ая устоз тутган кундаликлардан айрим лавҳаларни бизга лутфан тақдим этди.

Кундаликда белгиланган саналарга эъти-бор қаратсак, мазкур дафтар кундалиқдан кўра кўпроқ қайдлар дафтарига ўхшайди. Зеро, кундалик ҳар кун юритилмаган, де-мак, домла фикр қуйилиб келгандагина фикрларини қайд этиб борган. Қайдлар-нинг ҳар бирига сарлавҳа қўйилган.

Кундаликларда бизнинг эътиборимизи-ни Қўшонов домланинг ишлаш принципи ўзига тортди. Устознинг кундалик-даги қайдларини унинг Тил ва адабиёт институтида ишлаган ва кўп йиллар давомида раҳбарлик қилган пай-тдаги иш тартиби, табиатига хос куза-тишларимиз тўлдирди, деб ўйлайман.

Устознинг ёшларга бот-бот таъкидла-диган ўғитлари бор эди. “Ҳар кун ёзиш керак. Кунга бир бетдан ёзсангиз ҳам бир йилда 365 бет бўлади”, дер эди. Ўзи

катта куч билан узоқ ёниши керак. Ана шун-дагина китобхон уни эслаб қолади. Кунай-тиришда бир хил кўринишдаги воқеалар такрори, унинг қаҳрамон ҳис-туйғусига таъ-сир кучи жуда муҳим роль ўйнайди”.

М.Қўшонов кундаликларидаги қайд-лардан домланинг режа асосида ишла-ганини, нималарга қизиқганини, қандай

мавзулар эътиборига туш-гани-ю, қайси китобларни ўқишга, қайси спектакл-ларни кўришга чоғланга-ни, бу домланинг фа-олияти, характери-ни очишда — олим сий-мосини яхлит тасаввур этишда қўл кела-ди. Чунончи, кундаликда устознинг ўзини ўзи тафтиш этишга уринган қайдлар ҳам бор: “Ҳаётда мен жуда қайсар одамман, шу кунгача ҳеч кимнинг фикрига қўшил-маганман, деярли ҳеч кимнинг гапига

Кундаликда акс этган сиймо

бу тартибга амал қилгани кунда-ликлариди акс эт-ган: устоз ҳар бир жумлани ишлаб, воқеалар тасвири-ни кенгайтириб борган.

Кундалиқдан ўрин олган қуйи-даги қайдларда олимнинг иш ре-жаси тафсилоти ўрин олган: “Ёзув-чи маҳорати” мав-зусида бир туркум мақола ёзиш керак — “Бадий адабиётда характернинг манти-қий ривожланиши”, “Бадий асар яратиш-да пафоснинг ўрни”, “Асарларда ихчам-лик ва тафсилот”, “Ҳикояларнинг ўзига хос хусусиятлари”, “Бадий адабиётда Навоий образи”.

Мазкур қайдлар 1957 йилга тааллуқли. Қўшонов домланинг илмий фаолиятини кузатсак, қайдларда белгиланган режа асосидаги ишларни устоз тўла амалга оширганига гувоҳ бўламиз. Кундалигида ана шу сана билан: “Ойбек романларида муҳаббат мавзуси”да ёзиш керак, токи муҳаббатнинг барча намуналари ёритил-син”, деган қайд ҳам ўрин олган. М.Қўшоновнинг Ойбек ижодида муноса-бати ўзи алоҳида мавзу.

Домла кундаликларидаги фикрларини давом эттириб ёзади: “Инсонда эҳтиёж тур-лича бўлади: овқатланиш, ичиш, ухлаш, дам олиш. Изтироб чекиш, чидамли бўлиш ҳам инсон эҳтиёжларини ташкил этади. Бироқ азоб чекиш турлича бўлади... “Ҳикоянинг ўзига хос жиҳатлари” мавзусида мақола ёзиш фикри калламдан чиқиб кетмаяпти. Бу ўринда санъат қонуниятларидан бири “такорр” ҳақида гапириш керак бўлади. Бу борада О.Генрининг “Сўнгги япроқ”, “Юрак уришингизни кўрай” ва Одил Ёқубовнинг асарлари яхши материал беради. Бу каби такорр йирик жанрларда ҳам учрайди... Бу аjoyиб! Мана бунга эътиборни кучайти-риш, рангларни қуюқлаштириш дейилади. Қойил”.

“13.5.57” санаси қўйилган қайдларида ўқиймиз: “Кунайтириш ҳақида ёзиш керак. Адабиётда кунайтириш ҳақида нотўғри фикр билдирилади. Кунайтириш бу рангларни қуюқлаштириб беришдир. Бусиз китобхон бирон нарсаси тушунмайди. Кунайтиришсиз тасвирланган воқеалар бамисоли олов. Пов этиб ёнади-ю, зумда ўнади. У бўлса ёниши,

ров доира, яна бири учбурчак, тўртбур-чак шаклда ёзади. Назар Эшонкул тўпламдаги мақоласида бундай тажри-балар ҳақида сўз юритиб: “Афсуски, бу-гун баъзилар ўзларининг нўноқлигини, истеъдодсизлигини ана шу «изм»лар остига яшириб олишга уринишяпти. Ҳатто биттаси «Мен символизмда иҳод қиламан», деб даъво қилди. Гаплашиб

қўрсанг, ўзи символизмнинг «с» харфи-ни ҳам билмайди. «Символизмда иҳод қиламан», деса ёзган тутуруқсиз нарсаларига маъно кирди гўё» («Истиқлол... Адабиёт... Танқид...», 34-бет), дейди. Бундайларни у «адабий олифта» деб атайди. Қанинча ҳам бир вақтлар янгича ёзаман, деган ўйда шаклий изланиш-ларга уринганман. Соҳмаларни турли геометрик шакллarga солиб кўрдим. «Пўртана» деган ҳикоямда бош қаҳра-мон Кимсаннинг Хаёл сайёрасида Виж-дон, Дўст, Ёлгон, Душман, Хиёнат, Тов-ламачи билан баҳсу мунозарасини кўрсатиб беришга ҳаракат қилгандим. Бир неча кишига ҳикоямни кўрсатдим, ўқиб бердим, ҳатто «ҳикоя гоёсида мана бундай фикр илгари сурилган», дея ту-шуништириш ҳам бердим, бироқ бирор кишининг тушунганини сезмадим...

Айтмоқчиманки, «Янги авлод ово-зи» бўшда ҳам қайи қўллаб савол-ларга жавоб берилиши керак эди.

қўрсанг, ўзи символизмнинг «с» харфи-ни ҳам билмайди. «Символизмда иҳод қиламан», деса ёзган тутуруқсиз нарсаларига маъно кирди гўё» («Истиқлол... Адабиёт... Танқид...», 34-бет), дейди. Бундайларни у «адабий олифта» деб атайди. Қанинча ҳам бир вақтлар янгича ёзаман, деган ўйда шаклий изланиш-ларга уринганман. Соҳмаларни турли геометрик шакллarga солиб кўрдим. «Пўртана» деган ҳикоямда бош қаҳра-мон Кимсаннинг Хаёл сайёрасида Виж-дон, Дўст, Ёлгон, Душман, Хиёнат, Тов-ламачи билан баҳсу мунозарасини кўрсатиб беришга ҳаракат қилгандим. Бир неча кишига ҳикоямни кўрсатдим, ўқиб бердим, ҳатто «ҳикоя гоёсида мана бундай фикр илгари сурилган», дея ту-шуништириш ҳам бердим, бироқ бирор кишининг тушунганини сезмадим...

Айтмоқчиманки, «Янги авлод ово-зи» бўшда ҳам қайи қўллаб савол-ларга жавоб берилиши керак эди.

кирмаганман, ўзим билганимча иш тут-ганман, қалбим бу-юрганини қилган-ман. Бу, албатта, мақтанишга арзигу-лик гап эмас. Бироқ гурур бунга тан олишга йўл бермай-ди. Умрининг охи-ригача шундайли-гимча қолсам керак. Чунки биронинг маслаҳатига кирмай-ман, ўзимнинг ақлим

етарли деб ҳисоблайман. Қароримдан ҳеч қайтган эмасман, гарчанд бу ҳамиша ҳам яхши оқибатларга олиб келмаса-да. Бунинг учун мен ўзимни ўзим айбламай-ман. Бошқалар айблайдики, йўқми, бил-майман. Айблашга керак. Лекин мен бун-дан кўрқмайман. Менинг бошқалардан фарқим ҳам шунда...”.

Хали қирқ ёшга қирмаган чоғида дом-ланинг кундалик қайдларида эътироф этилган табиатига ҳам қайсарлик, бир сўзлилик умрининг охиригача сакланиб қолганини, йўқми, деган саволга фақат унинг саволлари, яқинлари аниқ жавоб бериши мумкин, деб ўйлайман. Аммо та-биатига хос бўлган бир жиҳатни аниқ айти-шмим мумкин. Бу домланинг содда ин-сон бўлганлиқларидир. Бундан атрофла-ридаги айрим кишилар меъёридан зиёда фойдаланган кезлар ҳам бўлган, албатта.

Эҳтимол, айнан мана шу соддаликла-ри туфайли домланинг дўстлари кўп бўлгандир. Улар фақат сон жиҳатдан эмас, сифат жиҳатдан аҳралиб туришар-ди. Кундаликдаги бир қайда М.Қўшоновнинг ўзи ҳам бунга эътироф этган: “...Дўстларимдан ўндан ортиқ табиқ тел-леграммалари олдим. Улар орасида Сул-тонов, Қалимбетов, САГУдан ва бошқа-лар... Мен ўз дўстларим билан жуда фахр-ланаман”. Мана шу сўнгги жумла Қўшо-нов домланинг дўстлари ишончли бўлишганига ишорадир. Ўша пайтлар Қўшонов домла ишончли, меҳрли дўстлари кўп бўлганини фахр туйғуси билан эътироф этган бўлсалар, бу кунга келиб устознинг қаламлари остида қи-чан тадқиқотлари, хотиралари, асарлари ўзбек китобхонларининг доимий ҳамроҳи, ишончли дўстига айланган.

Раъно ИБРОҲИМОВА,
филология фанлари доктори

2013 йили «Шарқ юлдузи» журналида «Янги авлод овози»

руқни остида ўтказилган баҳс иштирокчиларининг мақолаларидан тартиб берилган «Истиқлол... Адабиёт... Танқид» китобини ташналик билан ўқиб чиқдим. Саволларга ўн етти нафар адабиётшуносу ижодкор жавоб беришган.

Қанинча оддий бир китобхон сифатида мазкур баҳсдан руҳлиб, таассуротларини баён этишга, баъзи мунозарали мулоҳазаларга ўз фикрини билдиришга журъат этдим.

Янги авлод овози қайси жиҳатла-ри билан ўзини намоён қилмоқда, уму-ман, янги авлоднинг ўзи шакланган-ми, каби саволлар баҳс иштирокчила-рини чуқур фикрлашга, муҳим ҳулоса-лар чиқаришга ундаган. Модернизм, постмодернизм, неомодернизм ва бошқа турли «изм»ларнинг бадий та-факкур ифодасидаги аҳамияти, бугун-ги адабиётда илгари сурилган бадий

ғояларнинг китобхон томонидан идрок этилиш даражаси, адабиётнинг вазифа-си тўғрисида турли хил мулоҳаза-лар айтилгани жиҳатидан ҳам мазкур тўплам катта қизиқш уйғотди. Чунон-чи, ёзувчи Исажон Султоннинг қуйи-пишиб бугунги адабиёт шамойиллари-ни тушуниришга ҳаракат қилишлари-дан энди адабиёт яланғоч реалистик тасвирлар билан иш кўра олмаслиги, ҳар бир воқеалика муносабат оғи ости сезимлари ёрдамида ҳис-туйғулар пўртанаси, мажозлар воситасида ифо-даланиши лозимлиги англашлади. Ёзувчи айнан шундай янгича бадий талқин бугунги адабиётимизнинг хос хусусияти эканлигини тасдиқлашга ҳаракат қилади ва қатор мисоллар ор-қали бунга ишонтира олади ҳам.

Бадий асарда ифода этилган фикр, ғоя, эстетик мақсад ўқувчи томонидан тушунилиши, тўғри идрок этилиши китобхоннинг билими, савиясига бо-глик. Бадий асар тушунарсиз экан, унинг китобхон учун ҳеч қандай қим-мати йўқ. Модерн ва постмодерн ада-биёти хусусиятларини ўзда у ёки бу даражада намоён этаётган миллий

адабиётимизда яратилаётган бадий асарлар тор доирадаги китобхонлар-гагина тушунарли экан, бундай асар-лар ўз миссиясини тўла оқлапти, деб бўлмайди. Баҳс иштирокчиларининг кўпчилиги бундан ташвишланмайдиган, аксинча, бугунги адабиёт тушунадиган китобхон учунлигини, китобхон дидини ўстириш лозимлигини таъкид-

лашади. Китобхон дидини қандай ўстириш керак?

Қанинча академик лицейда ишлай-ман. Ўқувчиларнинг бугунги шеърят тўғрисидаги тасаввурларини бойитиш-га, бугунги жаҳон шеърятинидаги ил-гор тамойилларни тушуниришга ҳара-кат қиламан. Афсуски, айрим ёшлар кўпроқ олди-қочди воқеалар баёнидан иборат китобларни адабиёт деб тасав-вур қилишади. «Булвар адабиёт — вул-гар адабиёт», дегани ҳақиқатан ҳам тўғри, бу оқим жиҳиди адабиётнинг жойини эгаллаб олмаяптими? Бу биз-нинг ўзимизнинг камчилигимиз эмас-ми? Негаки, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари дарсликлари-да модерн адабиёти табиати, унинг на-муналари ҳисобланган асарларнинг таҳлили, талқини, тарбиявий-маърифий таъсир белгилари, ишоралари тушу-нирилмайди. 90-йиллардан кейинги

асарларни ўқувчи тугул ўзини зиё-ли санайдиган кишилар ҳам ҳазм қилолмайди. Китобхон учун асар-нинг қайси адабий-бадий оқим таъсирида яратилганининг ҳеч бир аҳамияти йўқ. Муҳими, ўқитган кито-бидан маънавий озиқ олса, асарнинг бадий кучидан завқланса. Модерн, постмодерн, неомодерн услубларидаги асарлар ҳам ана шундай завқни берад, аммо ана шу завқни туй оладиган китобхон ҳозир қанча?

Назар Эшонкулнинг «Уруш одамла-ри» қиссасини зўр қизиқш билан ўқиб чиққан эдим. «Шамолни тугтиб бўлмайди» ҳикояси тушунилиши жи-ҳатидан бирмунча мураккаб асар. Уни икки-уч қайта ўқиб чиққимизга тўғри келди. Тўпламдаги мақоласида ёзув-чи Баҳодир Абдураззоқ, Умид Ёқуб

чаларимизни бойтардик. Айниқса, ўша йилларда ёзил-ган И.Гафуровнинг “Улмас Умарбеков қаҳрамонларига мактублар”и таъсири ҳақи-ҳануз хотирамдан чиқмайди.

Биз фикр юритаётган тўпламдаги айрим мақолаларда ада-биётшуносликнинг вазифаси бадий асарни тушунтириб бериш ёки ёзув-чига йўл-йўриқ кўрсатиш эмас, деган қарашлар илгари сурилган. Бироқ фи-лология фанлари доктори, профессор Дилмурод Қуროнов айнан бизнинг ди-лимиздаги фикрларни айтган: «...тан-қид ўқувчи омма билан мулоқот қили-

ши, уни адабий асар моҳиятига яқин-лаштириши, муҳими, унда ўқиб эҳтиё-жи ва уқиб малакасини шакллантири-ши лозим». Аммо ҳозирги пайтда тан-қид илмий-назарий тус олиб бораётир-ки, уни фақат мутахассисларгина ўқиш-лари мумкин. Бу «Танқид — танқид учун» деган тамойил шаклланишига олиб келади. Танқид — танқид учун бўлиб қолса, модерн услубида ёзади-ган ижодкорларни ҳали-бери кенг ки-тобхонлар оммаси танимайди, таниса ҳам китобларини севиб ўқий олмайди. Ўқиган асаридан бирор маъни туйма-са, у қанчалик буюк асар бўлмасин, ту-шунмаган одам учун қиммати йўқ-да! Масалан, япон шеърятини намуналари-дан қилинган

МУШОҲАДАГА ЧОРЛОВЧИ “КУЗГИ МАКТУБЛАР”

Келаётган янги йил мамлакатимизда “Соғлом она ва бола йили”, деб эълон қилиниши театр ижодкорлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, келажакимиз эгаларининг тарбияси саҳна санъати зиммасидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу маънода Ўзбек миллий академик драма театрида дастлабки кўриги ҳамда тақдироти бўлиб ўтган “Кузги мактублар” спектакли мухлисларни бефарқ қолдирмагани аниқ.

Умидли ёш режиссёр Асқар Холмўминов томонидан Ўлмас Умарбековнинг “Кузми мактублар” асари ҳамда “Кузнинг биринчи кун” пьесаси асосида ёш драматург Мафтуна Мухаммадминова тайёрлаган инсценировка бўйича саҳналаштирилган ушбу томоша ҳаммаша долзарб мавзунинг замонавий талқинига айланди.

Тахрибали томошабинларда “Нима учун театр жамоаси бундан ўттиз йил муқаддам саҳналаштирган асарга қайта мурожаат қилди?” деган савол туғилиши табиий, албатта. Ўз вақтида таниқли режиссёр Рустам Ҳамидов томонидан детектив драма жанрида муваффақият билан қўйилган ушбу саҳна асарининг янги талқини маиший драма кўринишига эга. Ёш режиссёр асарга бугунги кун нуқтаи назарида ёндошиб, тўқлиқка шўхлик қилаётган айрим ёшларнинг енгилтакликлари туфайли юз берган фожеа орқали ота-оналарнинг бола тарбиясига совуққонлиги сабабларини очиб беришга ҳаракат қилган. Режиссёр Ўлмас Умарбековнинг тарбиявий мазмундаги мактубларидан ўринли фойдаланиб, спектаклда ёзувчи образини маҳорат билан киритишга эришган. Адиб ролини ижро этган артист А.Набиев саҳнадаги воқеаларни четдан кузатиб турсада, ўрни келганда уларнинг иштирокчисига ҳам айланади. Қисқа қилиб айтганда, режиссёр адибнинг икки асаридан битта ахлит спектакл яратишнинг урдадан чиқибди.

Томоша воқеалари ёш йигитлар Собир (Х.Ҳасанов), Фарход (И.Отажонов) ва Рамзиддиннинг (Л.Орзиев) ота-онамиз даврида ҳар қанча шўхлик қилсак бўлаверадиган, қабилида ичкиликбозликка берилиб, баланд овоздаги бақир-чақирларидан бошланади. Бу бебошлик оқибатида Рамзиддин эҳтиётсизлиги туфайли тасодифан одам отиб қўяди. Ана шу юз берган фожеага муносабат ёшларнинг ота-оналари қандай маънавий қиёфага эгалигини ошкор қилади. Улар болаларнинг айбини беркитишга, жазодан қутқариб қолишга ҳаракат қилишади. Рамзиддиннинг онаси Барчин ролини ижро этган актриса М.Боботиллаева фарзандининг қотиллигини нима қилиб бўлса ҳам ҳаспўшлаб, эркактой ўғлига гард ҳам юктирмаслик пайига тушади. Бечора онаизорнинг чора излаб оёғи қуйган товукдек саросимда ҳар томонга югуриб турланиб, тусланиши актрисанинг рол устиди жиддий изланиш олиб бorganдан далолат беради. Х.Комиллов ижросидаги Рамзиддиннинг отаси Тўлағанов эса хотини қўлидаги қўйғирчоққа ўхшайди. Агар хотини оқни қора деса ҳам иккиланмасдан унинг фикрини тасдиқлайди. У фарзандининг қилимишини яшириш учун таниш

билишини ишга солиб, жиноятга шерик бўлади.

Маҳоратли актриса Д.Икромова ижро этган Фарходнинг онаси Кумри эса оддий хизматчи. Лекин у ҳам ўғлини жазодан сақлаб қолиш учун исталган ёлгонга қўнишга рози. Бундай қалтис вазиятда ҳар қандай она саросимага тушиб қолиши мумкинлигини тажрибали актриса ишонли равишда тарзда очиб берган. Фақат М.Исмомиллов ижросидаги Собирнинг отаси — участка нозир Шокир маънавий қиёфасини йўқотмасликка ҳаракат қилади. Воқеалар давомида қонун ҳимоячиси тилидан айтилган қўйидаги сўзлар мавжуд муаммоларнинг асл сабабини очиб беради:

Талқин ва таҳлил

Рассом Флюра Газизова яратган саҳна безаклари спектакл воқеалари билан уйғунлигини ҳам таъкидлаш лозим. Декорация унсурларининг аксар қисмида шартлилик устунлик қилишига қарамай, саҳнада юз бераётган ҳодисаларнинг ҳаётлигига томошабинда шубҳа уйғонмайди. Бас-такор Акмал Сафоев танлаган ранг-баранг мусиқалар садоси остида айланаб, ҳолатини ўзгартирувчи саҳна майдонида куз манзараси ҳукмронлик қилади. Совуқ кунларнинг тобора яқинлашиб келаётганидан хабар берувчи қаргаларнинг қағиллаши, ёзувчининг оёқлари тағида эзилиб бораётган сарғиш барглarning гирчиллаши рамзий маънода инсон умри давомида қилган ишларни сарҳисоб қиладиган палла келганидан дарак беради.

Хулоса қилиб айтганда, “Кузги мактублар” спектакли ёшларни маишпатрастик, бепарволик ва масъулиятсизлик ботқоғига ботиб қолмасликка ҳаётдаги барбарада ота-оналарни бола тарбиясида адашмасликка, жигарбандларнинг келажакига жиддий эътибор қаратишга ундайди. Зеро, ҳаётда илмли, зиёли одамларнинг фарзандлари ҳам адашиб, ҳаттоликларга йўл қўйиши мумкин. Спектакл қаҳрамонлари бўлган ота-оналар қанчалик элу юртга ҳалол хизмат қилишмасин, ўз фарзандларига берган нотўғри тарбиялари фожеали оқибатларга олиб келгани томошабинларни мушоҳадага чорлайди. Шу ўринда ҳалқимиз севган адиб Ўлмас Умарбековнинг келажак авлодлар учун ўзига хос васиятга айланган “Кузми мактублар” асаридаги қўйидаги сўзлар ёдимишга тушади: “Кузим, сенга айтсам, фарзанднинг эртага қандай инсон бўлиб улғайиши, аввало, авлодига, ота-бобосининг қимлигига, қандай инсонлигига боғлиқ. Қани энди ҳамма фарзандлар ота-оналарининг қўлидагидек бўлиб улғайиши. Яхши фарзандлари бўлган эл ўзини қанчалар бой ҳисобласа, шундай фарзанд ўстирган ота-она ҳам ўзини бахтли ҳисоблайди”.

Марат АСАДУЛЛАЕВ,
журналист



— Биласизларми, мен бир нарсга амин бўлдим. Бутун умр шу соҳага хизмат қилдим. Қанча жиноятчини, нотўғри тарбия кўрган одамларни жазолаб, адолатни, қонунни ҳимоя қилибман-у, ўз боламнинг тарбиясини назорат қилишни унутибман. Бу менинг хатоим. Аслида болаларимизнинг шу аҳволга тушишига бизлар айбдормиз. Берган тарбиямиз айбдор. Мен ўғлимни ўйласам, сиз болангизни деб ноҳақликка йўл қўйсангиз, жамият, одамлар қайга борсин? Жазони фақат улар эмас, биз ҳам олишимиз керак.

Актёр М.Исмомиллов ўз қаҳрамони руҳиятида кечаётган вайдон ва бурч ўртасидаги кураш жараёнини енгиб, оқибатда бутун айбни ўз бўйига олганида саҳнага оғир сукунат чўқади. Ана шу жасорат ёшларнинг кўзини очилишига, келажакда яхши одам бўлиб ўз халқининг обрўси учун кураша оладиган шахсларга айланишига ишонч уйғотди.

Спектаклда бола тарбиясида онанинг ўрни нақадар муҳим аҳамиятга эгалигига ҳам алоҳида эътибор берилган. Отадан боланинг ёмонини яшириб, яхшисини оширишга уста Собирнинг онаси Ойина (С.Юнусова) кўз олдиди фарзанди тобора худбинлашиб бораётганини сезса ҳам кўрмасликка ҳаракат қилади. Ота олдиди доим Собирнинг камчиликлари айбларини беркитадди. Вақти

Бироқ Иоганн Себастьян бу сўзларни шунчаки айтмагани, у охири-оқибат ваъдасининг устидан чиқишга эришди.

Бахнинг орандаги ижроси замондошларини ҳайратга соларди. Мухлислар уни турли мактов ва олқишга қўйиб ташлаш одатий ҳолга айланишига қарамай, буюк композитор барча эътирофларга ҳаммаша



бир хилда жавоб қайтарарди:

— Азизларим, менинг мусиқам бундай юксак эътибор ва мактовга лойиқ эмас. Ахир, қамини бор-йўғи бармоқларим билан керакли клавишларни босмоқдан, холос. Мусиқани сонинг ўзи ижро этмоқда.

Отасидан эрта ажралган буюк немис композитори Иоганн Себастьян Бах (1685-1750) тўққиз ёшида акиси — Ордуф шайри органиси Иоганн Кристоф Бах тарбиясига топширилади. Укисининг мусиқий саводхонлигига алоҳида эътибор қаратган Кристоф ўз даврининг етук бастакорлари ёлгон асарлар тўпламига эга эди. Ушбу манба билан эрта танишув Себастьянда устозлари маҳоратида шубҳа уйғотиши мумкинлигидан хавфсизан созанда тўпламини жавонга қулфлаб қўяди. Аммо мусиқани жонидан ортик севган болакай тунда акиси уйқуга кетганидан сўнг нота тўпламининг ой ёруғида қўйра бошлайди. Олти ой давом этган машаққатли меҳнат якунига етай деганда, Кристоф укасининг тунги бедорликларидан хабар топади ва ноталарга қўшиб қўйишларини ҳам олиб қўяди. Бундан азбаройи норози бўлган болакай йиги аралаш дағдағи қилади:

— Ҳали шунақаки, у ҳолда менинг ўзим бундан ҳам яхши мусиқа ёзаман! Кристоф эса қулганча: “Бор ухла, маҳмадон!”, дея жавоб қайтарарди.

Бах ижоддан бўш вақтларида камбағал қишлоқ ўқитувчиси қиёфасига кириб, чекка худудлардаги черковларни зиёрат қилишни яхши кўрарди. У ибодатхона хизматчиларидан орган чалиш учун рухсат олиб, шундай юксак маҳорат билан мусиқа

қилишаётганди. Бунга чидаб туролмаган композитор ковокхонага кириб, оркестр дирижёридан “Бу кимнинг мусиқаси?” деб сўрайди.

— Гайднники! — деб мағфур оҳангда жавоб қайтарди дирижёр.

— Йўқ, бўлиши мумкин

ҲАЙРАТОМУЗ МУСИҚА

ижро этардики, барча ҳайратдан лол қоларди. Оддий одам бундай ноёб истеъдодга эгалигига ишонмаган яхши тингловчилар, хатто қўрқувдан қоча бошларди. Уларнинг назарида черковга иблисининг ўзи қадам ранжида қилгандай бўларди.

Вена классик мактабининг йирик намояндаси, австриялик етук композитор Йозеф Гайдн (1732-1809) кунларинг бирида кўчада сайр қилаётиб, қулоғига таниш оҳанглар чалинади. Бироқ композиторнинг фигони фалакка кўтарилади. Чунки яқиндаги ковокхонада у ёлгон мусиқий асарни бузиб ижро

эмас, сен ёлгон гапиряпсан. Гайдн бундай бемаза мусиқани ёлғонлайди. Уни қайсидир аҳмоқ ёлган!

— Наҳотки, буюк Гайдн аҳмоқ бўлса! — дирижёр шу

Кўнгил кўзи

сўзларни айтгани ҳамоно қўлларини мушт қилиб композиторга ташланади. Охири, калтакланган Гайдн ковокхонадан қочишга мажбур бўлади.

Кунларнинг бирида Людвиг ван Бетховенни (1770-1827) олий мартабали аслзода хонадонидида кечага созанда сифатида таклиф қилишади. Тадбир меҳмонлари орасида кекса Йозеф Гайдн ҳам бор эди. Бетхо-

воннинг машҳур фортепьяно триосини тинглагандан сўнг машҳур композитор вазиинлик билан фикр билдириб, муаллиф ўз асарини бу кўринишда сира ҳам нашр қилмаслигини, яна устиди ишлатиш лозимлигини маслаҳат беради. Бетховен бу фикрга қўйилмасда, кекса

Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаев театр, кино, телевидениеда яратган образлари, айниқса, таниқли ёзувчи Ўткир Хошимов асари асосида суратга олинган “Баҳор қайтмайди” видеофильмидаги Алимардон Тўраев роли орқали халқимиз орасида машҳур бўлиб кетган. Лутфулла ака рафиқаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчехра Саъдуллаева билан бирга узоқ йиллар республика Ёш томошабинлар театрида ижод қилди. Бу даргоҳда саҳна юзиди кўрган кўпглаб спектаклларда турли саҳнадаги хилма-хил образларни маромига етказиб ижро этишди. Айниқса, телевидение экранни орқали намойиш этилган “Шум бола”, “Қисмат”, “Инжа Мамад”, “Баҳор қайтмайди” каби видеофильмлар ҳар икки санъаткорни эл орасида танитди, ҳурмат-эътиборга сазовор қилди.

Республика Сатира театридаги фаолият эса уларнинг янги ижодий имкониятлари очилишида, мухлислар орасига янада қучуқроқ кириб боришларида муҳим қадам бўлди. “Бу театр жамоаси билан ишларимиз қизиқарли ва мароқли кечди, — дейди Л.Саъ-

дуллаев. — Республикаимиз бўйлаб уюштирилган ижодий сафарлар, янгидан-янги роллар билан театрга ҳаётимиз гўзаллашиб бораверди. Ҳаммамиз аҳил бўлиб, бир оила каби янги театрни оёққа қўйиш йўлида ижод қилдик ва шу ижоддан баҳра олдик”.



Бу даргоҳда санъаткор ўзини режиссёр сифатида ҳам синаб қўриб, “Насриддиннинг ёшлиги”, “Адашганлар” каби спектаклларни муваффақият билан саҳнага олиб чиқди. Шундан сўнг Ёш томошабинлар театрида яна бир неча асарни саҳналаштиришга, қатор роллар ижро этишга муваффақ бўлди. Кино соҳасида ҳам

Ҳаёт сабоқлари

ўзини синаб қўришга қарор қилган Л.Саъдуллаев “Мунис онам”, “Меҳрибонгинам” каби филмларни томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

Лутфулла ака бугунги кунда ҳам олам-олам ижодий ниятлар оғушида изланишда давом этмоқда. Сатира театрида қатор спектаклларни саҳналаштирди, “Отанга қўл кўтардингми?” филмининг мухлисларга ҳавола этди, рафиқаси Гулчехра Саъдуллаева билан биргаликда юртимизнинг турли гўшаларида ўтаётган анжуманлар ва тадбирларда фаол қатнашмоқда.

Санъаткор камдан-кам актёрларга насиб этувчи қаламашлик хислати билан ҳам мухлислари сатрини кенгайтирмоқда. Китобсеварлар, санъат шайдолари шу кунгача унинг саҳна ва ҳаёт сабоқларидан ҳикоя қилувчи “Қисмат”, “Ўқинч”, “Мени кечир” номли китобларидан баҳраманд бўлдилар. Қўйида Л.Саъдуллаевнинг ҳаётий тажрибалардан чиқарган баъзи хулосаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Г.УМАРОВА тайёрлади

ПАРДОЗСИЗ ҲАМ ГЎЗАЛ

Ўз ижодидан завқланмаган, ўзи севмаган ролларни ўйнашга уринган санъаткор ҳеч қачон жозибали образлар ярато олмайди.

Ҳар бир образнинг кучи унинг халқчиллигидан, мазмунли ва таъсирли бўлишида, ҳаёт билан ҳаммафаслигидан. Ҳаётни чуқур ўрганмаган актёр ишончли образ ярато олмайди.

Санъатнинг дунёси поклик, латофат, билимдонликдир. Санъатнинг жони эса ишонтаришда. Бошқа санъат аҳлидан фарқи ўлароқ, актёр ва актрисалар ўз жисмида янги инсон ясай олади.

Саҳнада катта ё кичик деган рол йўқ. Кичик образга катта мазмун сиғдира билиш актёрнинг маҳоратига боғлиқ. Зеро, саҳнада яратилган ҳар бир образ актёр умрининг бир бўлагидир.

Ҳасад — иллатлар ичида энг ёмони. У бами-соли олов. Олов ёна-ёна кўл бўлгани каби, ҳасадгўй ҳам ҳасад ўтида ёниб барбод бўлади.

Театрга адашиб келиб қолган актёр тувакда ўсаётган гулга ўхшайди. Қанчалар машаққат билан парвариш қилма, барибир, палак ёзиб, томир отолмайди.

Саҳнадаги актёр учун залда ўтирган саҳнадош дўсти ёки ҳамкасбининг олқиши барчаникидан кучли ва таъсирли бўлади.

Сукунат — даҳшатли ҳайқирёқ. У қулоқни эмас, юракни парчалайди.

Агар ҳаёт сенга йиллаш учун юзлаб баҳоналарни кўрсатса, сен унга қулиш учун минглаб сабабларни кўрсат.

Ўч олишга шовилма. Бу ишни ҳаётнинг ўзи жуда чиройли адо этади. Мен одамлардан доимо яхшилиқ қидираман, чунки ёмонлиқни уларнинг ўзлари кўрсатишади.

Китоб мен учун ҳаёт кўзгуси. Мен ҳамиша китобларда ўзимни кўрдим. Китобларни ўқиб-ўқиб бебаҳо бойликка эга бўлдим.

Режиссёр билан актёр фикрининг муштараклиги спектаклнинг ҳаётлигига таъминлайди.

Ҳақиқатни айтмоқчи бўлсанг, чиройли сўзлар билан пардозлаб юрма. Ҳақиқат пардозсиз ҳам гўзалдир.

МУМТОЗ НАВОЛАР КЕЧАСИ

“Кексаларни эъзозлаш йили” дастури доирасида пойтахтимизнинг “Истиклол” саройида мумтоз куй-қўшиқлар кечаси бўлиб ўтди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан уюштирилган жонли ижрдаги мазкур концерт тўрт мингдан зиёд миллий мусиқа ишқибозлари учун умрбўқий халқона санъатимиз дурдоналаридан баҳраманд бўлиш имконини берди. Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов раҳбарлигидаги мақомчилар ансамбли ҳамда хушовоз ҳофизу хонандлар ижросида янграган Алишер Навоий, Бобур, Ғолибий, Машраб, Фурқат каби мумтоз шoirлар ва замондош ижодкорлар қаламига мансуб шеър гавзалар аслроқ оша сайқал топиб келган ўзбек миллий мусиқа санъатининг ҳайратомуз сехру жозибасини яна бир бор намойён этди. Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев, та-

ниқли ҳофизлар Исмоилов ва Исроилжон Ваҳобовлар мухлислару миллий куй-қўшиқ ижрочиларини самимий қутлашди. Концерт кечасига таниқли актёр, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Фатхулло Маъсудов бошловчилик қилди.


Жонли ижрода

Ўзбекистон халқ ҳофизлари Ўлмас Саиджонов, Бекназар Абдунаби Иброҳимов, халқ артистлари Матлуба Дадабоева, Гулсанам Мамазоитова, Зулайхо Бойхонова ва бошқа санъаткорлар ижросида янграган ўзига хос миллий санъатимиз гулдастасини асрлар синовидан ўтган ашулалар дастури асосида дунёнинг исталган саҳнасида намойиш этиб, бекўёс муваффақият қозониш мумкин. Негаки, ўзбек миллий мусиқа санъати бетақор руҳияти ва умуминсоний моҳияти билан ҳар қандай тингловчи қалбини ларзага солишга қодир.

бири Моцарт билан суҳбати чоғида калондимоглик билан буюк немис композиторининг мусиқаси хақида шундай дейди: — Мен ҳеч қачон бундай ёзмаган бўлардим. — Мен ҳам, — деб дарҳол жавоб беради Моцарт. — Чунки сиз билан менинг ақлимга ҳеч қачон бундай аjoyиб мусиқа келмаган бўларди.

ҳамда Вольфганг Ғете ўртасида юз берганди.

Композитор бўлиши мақсад қилган ёш бир йигит Моцартдан “Қандай қилиб симфония ёзиш мумкин?” дея сўрайди.



— Биласизми, симфония ёзиш жуда қийин, — дея жавоб беради буюк композитор. — Балки аввалгига осонроқ нарсадан, мисол учун баллада ёзишдан бошласангиз яхши бўлар.

— Нега, ахир сиз илк симфониянгизни тўққиз ёшингизда ёзгансиз-ку...

— Тўғри, — дея маъқуллайди Моцарт. — Лекин мен ҳеч қандай симфония қандай ёзилишини сўрамаганман.

композитордан асаридидаги айнан қайси ҳижат эътироз уйғотганини сўрайди.

— Яхши, айтаман, — дейди Гайдн. — Асарингиз гўзал ва ҳатто аjoyиб хилсатларга эга, жаноб Бетховен. Бироқ мусиқангиз шу қадар маҳзун ва ташвишлики, кўнгилда беҳузурлик уйғотди...

— Демак, менга услубимни ўзгартиришни маслаҳат беряпсиз? — деб қулади Бетховен.

— Йўқ, жаноб Бетховен, — дарҳол жавоб қайтарди Гайдн. — Сиз ҳам, мен ҳам услубни ўзгартиришнинг имкони йўқлигини яхши биламиз. Чунки услуб мусиқачининг ўзигини ифодалайди. Шу сабабли мен сизга ўзингизни ўзгартириб қўришга ҳаракат қилишни маслаҳат бераман.

— Йўқ, жуда осон. Сен бир уриниб кўр...

Юқоридаги суҳбат икки буюк ижодкор — Вольфганг Моцарт

“ГАЗЕТА — МЕНИНГ ҲАЁТИМ”

Ўз касбининг устаси, фидойиси бўлган инсонлар ҳок ҳодиди деҳқон ёки ўқитувчи, ҳок олим, тадбиркор бўлсин, ҳамиша ҳалқимиз иззат-икромига сазовордирлар. Аслида ҳар бир касбининг ўзига яраша машаққати билан бирга завқи ҳам бор. Агар киши ўзи танлаган касбидан завқ олмаса, унинг меҳнати фақат машаққатдан иборат бўлиб қолади. Ҳаётда шундай касб-кор эгалари ҳам борки, улар танлаган касбларини ҳаётининг мазмунига айлантирган. Таниқли журналист, моҳир сураткаш Содиқ Маҳкамов ана шундай санъаткорлар сирасидан.

...Кечга томон кўл телефоним жиринглаб, кўзгусида, “Содиқ ака” деган ёзув кўринди. Шу пайт ўзимни ўзим койидим: “Устоздан ҳабар оламан дегандим, телефон қилишга ҳам вақт тополмадим-а. Эҳ, тирикчилик ҳам бор бўлсин”.

Телефон тугмасини босдим. Салом-алиҳ узокқа чўзилмади. “Эртага кечга бизникига келинг. Ҳамкасблар, дўстлар биргалашиб бир пиёла чой устида гурунглашамиз. Албатта келинг, кутаман”, дея Содиқ ака одатига кўра, гапни қисқа қилди.

Эртасига ишдан эрталоқ чиқиб аканинг уйига бордим. Ўн-ўн беш чоғли аканинг ақинлари, ўғиллар, келинлар, набиралар ҳовлини тўлдириб юришибди. Ичкарида дастурхон тузланган. Дўстлар, ҳамкасблар мезбон ҳақида илиқ гаплар айтишди, тиллақлар билдиришди. Дарвоқе, етмиш йил оз фурсат эмас.

Содиқ Маҳкамовнинг ярим асрдан зиёд ижодий фаолияти “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси билан ҳамбарчас боғлиқ, десаам янглишмайман. Газета таҳламлиларини кўздан кечирган киши бу фикрга тўла ишонч ҳосил қилади. “Бу газета менин Ҳаётим мазмунига айлантирилган, десаам тўри бўлади, — дейди Содиқ ака. — Ўзоқ йиллик меҳнатим давомида газета мен учун катта мактаб вазифини ўтади. Бу даргоҳда Асқад Мухтор, Лазиз Қаюмов, Одил Ёқубов, Иброҳим Гафуров, Маматқул Ҳазратқулов, Аҳмаджон Мелибоев сингари устоз адиблар, матбуотнинг чинакам жонқурларию катта-катта адиблар билан ишладим. Улардан ҳам ижодда, ҳам ҳаётда кўп нарсаларни ўргандим. Нимагаки эришган бўлсам ҳаммасида ҳамкасбларнинг ҳиссаси бор”.

Ҳа, йиллар мобайнида бу моҳир суратчининг ўткир нигоҳидан ҳеч бир соҳа четда қолмади: таниқли шоир ва ёзувчилар, актёрлар, хонандалар, режиссёрлар, кино санъати даргалари ҳаёти, фаолияти акс этган суратлар, табиат манзаралари, фидойи замондошларимиз қиёфалари тасвирига туширилган асарлари ижодкорнинг баракали меҳнатидан далолат бериб турибди. Ҳали-ҳануз Содиқ ака олган суратларга эҳтиёж катта. Китобини нашрга таёрлаган, мақолаларини тўплаган муал-

лифлар, албатта, унинг бисотидаги суратларни сўраб таҳририятга келишади. Зеро, унинг нозик дид ва юксак маҳорат билан туширилган биргина сурати яхши бир асар ўрнини босади. Айтиш мумкинки, Содиқ Маҳкамов газетамизда ишлаган йилларда адабиёт ва санъатдаги ижодий

Кутлаймиз!



жараёнларнинг ранг-баранг суратларда муҳрланиб қолган ўзига хос тарихини яратди. Улар асосида бемалол бой кўргазма ташкил этиш мумкин.

Доимо ўз касбига масъулият, талабчанлик, ҳозиржавоблик билан ёндошгани боис ижодкор элга танилди, юксак унво-

ну мартабаларга эришди. Ҳозирда фарзандлар, бир этак набиралар қурош-вида кексалик гаштини сураётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Содиқ Маҳкамов ўзининг кутлуг етмиш ёшини қаршиламакда.

...Даврада яхши сўзлар айтилди, хотиралар эсланди. “Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади, — дейди Содиқ ака. — Улар эмин-эркин ижод қилиш бахтига эгалар. Замонавий техника имкониятлари жуда кенг. Фақат изланиш, ижод қилиш керак, ҳолос. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, бу сеvimли нашр мендан ўн ёш кичик, бироқ уни ҳамиша ўз тенгқуримдек ҳис этаман. Чунки энг яхши кунларим шу даргоҳда ўтди. Ижодий ютуқларимга у шерик бўлди. Ҳаммаси учун ҳамиша таъзимдаман”.

Бир маҳал, Содиқ ака даврада ўтирганларга сездирай менга имо қилди. Ташқарига чиқдик. “Бугун ўз қўлим билан “ажабсанда” тайёрлаганам. Бироз қарашиб юбрасиз”, деди. Таомни сузиб дастурхонга тортдик. Буни қарангки, у киши нафақат фотосанъатда, пазандаликда ҳам ўзига хос ижодкор экан. Даврада ўтирганлар қатори менинг ҳам Содиқ акага чин дилдан ҳавасим келди. Яхши ният — ярим давлат, дейдилар. Биз қатори шогирдларига ҳам устознинг ёшига етиш, гўзал, чиройли асарлар билан элимизга, юртимизга хизмат қилиб юриш бахти насиб этсин, дегимиз келди.

Асрор СУЛАЙМОНОВ

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

Икки мамлакат адабаси

Америка ва ҳинд адабаси Рут Правер Жабвала (1927-2013) асли Кельнда адвокат оиласида таваллуд тогган. 1939 йили бутун оила аъзолари билан нацизмдан қочиб, Буюк Британияга бориб қолади. Германияда яшаб турган жуда кўп қариндош-уруғлари эса концлагерларда вафот этган. Рут Правер 1951 йили Лондон университетини битириб, ҳинд меъмори Сайрус Жабвалага турмушга чиқади ва 1975 йилга қадар Ҳиндистонда яшайди. 1955 йили ilk романи чоп этилади. Олтиминчи йиллардан бошлаб кинорежиссёр Жеймс Айвори ҳамда продюссер Исмоил Мёрчант билан ҳамкорлик қилиб, улар учун 20 дан ортиқ сценарий ёзган. Ўз асарлари, шунингдек, Генри Жеймс ҳамда инглиз тилида ёзувчи бошқа адиблар романи асосида ҳам киносценарийлар ёзди.

Рут Жабвала Нью-Йоркка келиб, АҚШ фуқаролигини қабул қилади. У бадий асарлари учун Букер ҳамда сценарийлари учун икки марта Оскар мукофотини олган жаҳондаги ягона адибадир. Асарлари кўпроқ севги учрашувлари ҳамда Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро бир-бирини тушуниш муаммоларига бағишланган. Адибанинг Букер мукофотида сазовор бўлган “Жазира ва чанг” номи романида икки муҳаббат тарихи тасвирланган. Асар сюжети муаллиф тасвири ва кундалилик асосига қурилган бўлиб, Ҳиндистоннинг мустамлака ва озодликка эришган даврларида юз берган воқеалар камраб олинган. Асар эндиликда Шарқий Европа тилиларида ҳам чоп этилмоқда.

Матонатга қўйилган ҳайкал

10 декабр куни Стокгольм шаҳрида таниқли белорус адабаси Светлана Алексиевичга адабиёт соҳасидаги 2015 йилги Нобел мукофоти топширилди. Ёзувчи мукофот медали ва дипломини Швеция қироли Карл XVI Густав қўлидан олди. “Мен мукофот эвазига ўзим учун ҳурлик сотиб оламан, — дейди адиба. — Китоблар қийинчилик билан дунёга келади ва кўп вақтни олади, бинобарин, уларни ёзиш учун сафарга чиқиш, муқим ўтириб бафуржа ижод қилиш, сўнгра чоп этириш учун ҳам маблаг керак. Энди эса, мен қаердан пул топиш ҳақида бош қотирмасдан хотиржам ишлаш оламан”. “Қизил одам. Утопия садолари”, “Уруш аёллари иши эмас”, “Чернобил ибодати”, “Сўнгги гувоҳлар”, “Темир тобутдаги ўсимлар”, “Саконд хэнд вақти” каби асарлар муаллифи мукофотга кўп қиррали ижоди, публицистикасида акс этган замон изтироби ва матонатга қўйган ҳайкали учун муносиб топилди.

Оқ тонглор кўйчиси

Таниқли адиб, Қозоғистон халқ ёзувчиси Абиш Кекилбоев 76 ёшида оламдан ўтди. У 1939 йили Мангустов вилоятида таваллуд тогган. Адибнинг “Парча булут”, “Дашт қиссалари”, “Сўнгги қор”, “Абилайхон”, “Қудук”, “Замона билан суҳбат”, “Бир сиким тупроқ”, “Озодликнинг оқ тонги” каби асарлари, очерклари катта қизиқиш билан ўқилади. А.Кекилбоев турли йилларда Г.Мопассаннинг “Пьер ва Жан”, “Турмуш” романи, Чингиз Айтматовнинг “Эрта қайтган турналар” қиссасини қозоқ тилига таржима қилиб, Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” роман-эпопеяси ҳамда Буниннинг кўп асарларини ўғришда иштирок этган. В.Шекспирнинг “Қирол Лир”, “Ромео ва Жулетта”, К.Гюццининг “Малика Турандот”, М.Каримнинг “Ой тутилган тунда”, М.Фришнинг “Дон Жуан ёки геометрияга қизиқиш” каби асарлари А.Кекилбоев таржимасида саҳналаштирилган. Адиб мустақиллик йилларида республиканинг нуфузли газеталари бош муҳаррири бўлиб, Қозоғистон парламенти, Ижтимоий фанлар академияси аъзолиги ҳамда халқаро университетлар фахрий профессорлигига сайланган. Ўзбек адиблари ва адабиётимизнинг яқин дўсти, донишманд ёзувчи Абиш Кекилбоевнинг кўп асарлари ўзбек китобхоналарига ҳам яхши таниш. Унинг “Йўрға тўрик” қиссаси истеъдодли адиб Раҳимжон Отаули таржимасида она тилимизда чоп этилган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиевга турмуш ўртоғи

Зайлихон САЪДИЕВанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзбекино” Миллий агентлиги Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон киноақторлар бирлашмаси аъзоси Ёдгор Саъдиевга рафиқаси

Зайлихон САЪДИЕВанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Оллоберган ПЎЛАТ

Биз билан бирга

МАНГУ ЯША, ИСТИҚЛОЛ

Ҳамиша ҳушёр, сергак,
Кўкси осмондек юксак,
Посбонингман довиорақ,
Юртимга бўлиб иқбол,
Мангу яша, истиқлол!

Ўзингсан нур қўшим,
Куч-қудратим, бардошим,
Чин раҳнамо, йўлдошим,
Юртимга бўлиб иқбол,
Мангу яша, истиқлол!

Сен бахш этдинг ҳур ҳаёт,
Кекса-ю ёш бўлди шод,
Олам борки, умрбод,
Юртимга бўлиб иқбол,
Мангу яша, истиқлол!


ҚИШДА

Кўп қушлар кеч қуз фаслин
Шамол илган замон,
Тўда-тўда бўлишиб
Учар Африка томон.

Биз билан бирга қолар
Ҳар қиш сайраб чирк-чирк,
Совуқ демай, қор демай
Мардона митти чумчуқ.

ДАРЁ БЎЛСАЙДИМ

Ўзим тезоқар
Дарё бўлсайдим.
Баҳор, ёз сувга
Тошиб бўлсайдим.



Сахро-ю чўлга
Тўлиб оқардим.
Кўксига гулдан
Чечак тақардим.

Ташна ерлар ҳам
Ястаниб гулга,
Ошён бўларди
Сайроқ булбулга.

УКАМ БЎЛСА ҲАМ...

Хусанжонга менингдай,
Бўлгин десам саводхон.
— Тагин, — дейди у, — менга
Қўймоқчисиз-да “ёмон”.

Болаларнинг сеvimли шоири Оллоберган Пўлат 1935 йилда Хоразм вилояти Хонқа туманида туғилган. “Қўнғироқча”, “Ғунчалар қўшиғи”, “Бир кўза олтин” каби шеърини тўпламлари, “Ғунчалар”, “Турналар учганда”, “Аму тўлғанади”, “Қўшиғимсиз, болалар” сингари китоблари нашр этилган.

Болалар бекати

“О” ни ўргатганимдай
Тўғри ёзолмаса ҳам,
Қандай аъло қўяман,
Бўлса бўлибди укам?!

АЖИБ ГҲЛ

Қўлидаги гулларни
Гулдонга солди синглим.
Унга сув қўймагандан
Тинч эмас эди кўнглим.

— Сўлиб қолмасин гулинг,
Унга сув қўйганинг соз.
— Сув қўйсам гулим сўлир,
Ахир, у рангли қороз.

МАФТУНА

Синглижоним Мафтуна
Богчадан келган заҳот,
— Яна, — дер ойсига, —
Янги шеш олганман ёл.

Ёлдан шешлар айтиш-ла
Баҳс этса агар акам,
Мақтанди демаг, мендан
Енгилди бу гал ҳам.

ГРУЗИН КИНОСИ КУНЛАРИ

Грузия киноси ва унинг намояндаларини ўзбек томошбинларига таништириб ўтиришнинг ҳожа-ти йўқ. Халқимиз грузинларнинг сўзлаш услуби, ўзига хос оҳанг товланишлари сақлаб қолинган ҳолда ўзбек тилига маҳорат билан дубляж қилинган “Ғам ема”, “Биринчи кун ва охири кун”, “Мен, бувим, Иллик ва Илларион”, “Тўй”, “Хевсур қиссаси”, “Тонгги кўнғироқлар”, “Мен қўшини кўряпман” каби филмларни мароқ билан томоша қилиб келади. Кекса авлод вакиллари ўтган асрнинг қирқинчи йилларида Тбилиси киностудияси усталари ўзбек киночилари билан ҳамкорликда суратга олган филмларни яхши биладилар. 1927 йили эса ўзбек киночиларининг “Чодра” филмида грузин актёри Г.Чечелашвили асосий роллардан бирини ўйнаган. Бу анъанани кейинчалик С.Чицаурели, А.Гомияшвили, Г.Чохонелидзе, И.Кахиани, Н.Шария каби таниқли грузин актёрлари давом эттирдилар.

Кино муҳлислари шу йил 18-20 декабр кунлари халқчил ва самимий грузин киноси билан яна бир бор катта экран орқали учрашиш имконига эга бўладилар. Грузиянинг Ўзбекистондаги элчихона-

си ва “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган “Грузия киноси кунлари” бугун пойтахтимиздаги Кино уйида тантанали суратда очилади. Тадбирда таниқли грузин актёрлари Бадур Цуладзе, Гуджа Бурдуш, Зураб Кипшидзе, Гиоргий Накашидзе ва бошқалар қатнашадилар. Тадбир доирасида таниқли фоторассом Юрий Мечинининг грузин кинематографияси тарихини акс эттирувчи кўргазмаси бўлиб ўтади.

Тадбир

Очилиш маросимидан сўнг муҳлислар эътиборига “Кето ва Коте” (реж. В.Таблашвили ва Ш. Гедеванишвили) ҳамда “Биринчи қалдирғоч” (режиссёр Н.Медлидзе) филмлари ҳавола этилади. Кейинги кунларда томошабинлар “Куз қўши”, “Верийск квартали оҳанглари”, “Ух-лалмайдиғанлар қўшиғи”, “Елғиз овчи”, “Ошиқ ширинпазнинг 1001 рецепти” каби бадий филмларни кўришга муваффақ бўладилар. Шунингдек, грузиялик кино ижодкорларининг машҳур қисқа мет-ражли филмлари ҳам кино муҳлисларини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Флора ФАХРУТДИНОВА

“МУСАВВИРНИНГ ЁШЛИКДАГИ ШАМОЙИЛИ”

Ўзбек китобхони улуг ирланд адиби Жеймс Жойс ижоди билан Истиқлол шарофати туфайли танишиш имкониятига эга бўлди. Кейинги йилларда ёзувчининг “Улисс” романи, “Дублинликлар” тўпламидан бир неча ҳикоя, “Жакомо Жойс” номи асари таржималари босилди.

“Akademnash” нашриёти Ж.Жойснинг ilk “Мусав-виннинг ёшликдаги шамойили” романини чоп этди. Ёш боланинг, ўсирининг онги атроф-муҳитни қай тарзда қабул қилади, у тарбия олаётган маскандаги ўзаро муносабатлар, оиладаги, жамиятдаги шароит, вазият бола онгининг шаклланишида нечоғли аҳамият касб этади, муайян муҳитда шаклланган онг ўз-ўзини англаш жараёнини қандай кечиради — булар барчаси Ж.Жойс романида нозик психологик таҳлиллар орқали жуда чуқур очиб берилган. “Мусаввиннинг ёшликдаги шамойили” романини “Улисс”га муқаддима дейиш ҳам мумкин. Асар бош қаҳрамони Стивен Дедалус образи “Улисс” романида ривожлантирилган. Асарни рус тилидан А.Отабой таржима қилган. Муҳаррир Ш.Соатова.

МУАТТАР ЧЕЧАК

Булут қоплаган осмон бироз гум-бурлагач, кўп куттирмай ёмғир қўйиб беради. Майсага жон иниб, ёмғир шивирларига қўшилиб, қиқирлай бошлайди. Тупроқ хиди билан қўшилиб димоққа урилган намчил, майин ва қалбга қадрдон ёмғирнинг ёқимли хидига тўймайсиз. Шоира Наргиза Асодованинг табиат, фасллар манзараси акс этган “Настарин” номи тўплами шу йил “Турон-Иқбол” нашриётда чоп этилди. Китобнинг “Ёруғ сўз” номи қисмида Ватан, ота-она, табиат, ҳуллас, бизга қадрдон тушунча, туйғуллардан таркиб тоглан шеърлар жамланган. Шоиранинг, айниқса, Ватан мавзусига бағишланган шеърларида сўз, иборалар оддий ва самимий, маржондек тизилиб келаверади. Шоира сўз ёрдамида бизни туйғуларнинг сарҳадсиз ҳудудларига, ру-

хиятнинг бепоён кенгликларига олиб чиқади. Тўпламдаги самимий ва шоиранинг ўзи номлаганидек ёруғ шеърлар мана шу вазифани уddалаган.

Тўпламнинг “Дилтомчи” деб номланган қисмидан ўрин олган қат-рларда шоиранинг ички кечинмалари, ҳаёт ҳақидаги ўй ва ҳаёллари ифо-даланган. Кичик, бироз фалсафий жум-лаларда қўшнинг томчида акс этган жилвасини кўриш мумкин. Беғубор туйғуллар, ёруғ ўй-ҳаёлларнинг дил-пир-тар талқинлари жамланган “Настарин” китоби жавонингизда муаттар бўй тар-атиб туради, деган умиддамиз.

Вазира ИБРОҲИМОВА

Қиш фасли ўзининг фусункорлиги, оппоқ қорлари, байрамлари билан дилларни қувонтиради. Айниқса, янги йил байрами болажонларга олам-олам қувонч бағишлайди. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида ясалган чиройли ар-чалар ва қорбобою қорқиз туфайли фарзандларимизнинг қишки таътили ма-роқли ўтади. Арчага осилган турли хил ўйинчоқлар жозибаси эса нафақат кичкинтойларни, балки биз катталарни ҳам бефарқ қолдирмайди. Ана шун-дай байрам шукўҳи кезиб юрган бир пайтда кўнглини хира қиладиган ҳолат-лар ўз бермаслиги учун ҳаммамиз доимо сертак туришимиз даркор.

Аксарият ҳолларда янги йил арафасида катталарнинг бекарволиги оқиба-

ТАЪТИЛ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТСИН

тида арчага осилган электрли ўйинчоқлардан олов чиқиш ҳоллари иш жа-раёнида жуда кўп кузатишмоқда. Байрамнинг кўнгилдагидек ўтиши, ноҳуш ҳолатлар рўй бермаслиги учун, аввало, арчага осилган ўйинчоқларни ха-рид қилаётганда унинг носоз эмаслигига аҳамият бериш керак. Қолаверса, ухладан олдин ўйинчоқларнинг симини электр манбаидан узиб қўйишни унутмаслик лозим. Чунки унинг қизиқ ёки симларнинг чалқашиб кетиши оқибатида кичкинагина учқун ҳам катта ёнгинга сабаб бўлиши мумкин.

Содир этилаётган ёнгинлар тасодиф эмас, балки одамларнинг эъти-борсизлиги натижасидир. Ёнгиннинг олдини олишда барча бирдек ку-рашмоғи лозим. Соғлиғимиз, мол-мулкимиз, ўй-жойимизга ҳеч қандай ҳавф таҳдид солмасин.

Дилшод БОЛЕГЕНОВ,
ёнгинга қарши кураш хизмати ходими

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ”
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилик кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош

муҳаррир

Сирожиiddин

САЙИД

Таҳририятга келган кўлэмалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтариб берилади. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масхул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Набатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа
ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.20

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўyxатга олини. Адаби — 4040 Буюртма S — 4677. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Навр кўрсаткичи — 222. Танқилолар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

СОТЎВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2381-614X

9 772381 614000